



ИШОНЧ

2

1992
йил
13 январь
№ 2
(41)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

Юз сатр дил сўзи

Муҳим довон ошилди

Ассалому алайкум, азиз газетхон! Ҳозирча кучда бўлган удум бўйича, эски йил 31 декабрда тугаши, 1 январдан Янги йил бошлангичи муносабати билан ҳар бир жамоа сингари биз, газетчилар ҳам ўтган ишларимизга яқун ясаб, янги режаларни белгилаб олмоқчимиз.

Таваллуд топганимизга, қаранг-а, 9 ой ҳам бўлибди. Бу ойлар биз муҳарририят ходимлари учун ҳам қийин, ҳам қувонарли, ҳам нотинч, баъзида кайфиятни анча таранглаштирган ойлар бўлди. Газеталар ёмғирдан сўнг кўпайган кўзиқоринлардек кўплаб чиқа бошлаган бир даврда туғилдик. Халқ бизнинг «Ишонч»га қандай муносабатда бўлади, уларга манзур бўлаётгани деган ўй-фикр бизни бир дақиқа ҳам тарк этмади. Эҳтимол шу ишимиз яхши бўлгандир. Эҳтимол муҳарририятга ҳалол, пок одамлар кўпроқ йиғилгандандир. Ишқилиб бутун меҳнатимиз зои кетмаганидан, беҳад мамнунмиз. Демак, «қалбдан чиқан сўз қалбга йўл топади» деган табаррук ҳикматга амал қилиб ютқазмадик. Муҳим довон ошилди.

Ўзимиз айтган ва ваъда қилган, юрак амри билан кирган қутлуг йўлга тушиб олдик. Лекин бу йўлда ҳали жуда кўп қийинчиликларга дуч келмасдан иложимиз йўқ. Нархи салкам ўн бараварга ошган қоғоздан тортиб жуда кўп муаммолар ишимиз ривожига халал беради, бизни орқага тортади. Лекин муҳарририят ходимлари касаба уюшмаларимиз мадади билан турли хил-кичик корхоналар очиб, ҳомийлар ахтариб ва бошқа йўللار билан маблағ топиб, газетани чиқаришда давом этамиз. Бугун улуг айём кунда «Ишонч»га обуна бўлиб, бизга мададкор бўлган барча газетхонларимизга уларнинг меҳр-оқибатлари учун ташаккур айтиб, қанчалик оғир бўлмасин шу арзон нархини сақлаб қолишимизда маблағ билан ҳам, сўз билан ҳам далда бўлган тармоқ касаба уюшмаларига, ҳомийлик қилган, ўзаро шартномалар тузиб бизни қўллаган жамоа хўжаликлари, ассоциация, қўшма корхоналарга қўллуқ қиламиз. Кўп сонли мухбирларимизга ҳорманг дея, танлаган шиоримиз «АЗИЗЛАР, АДОЛАТЛИ, МЕҲР-ОҚИБАТЛИ БЎЛАЙЛИК!» деган даъватга содиқ қоламиз. Адолат борасида «Адолат тарозиси», меҳр борасида «Юз сатр дил сўзи», «Кечиккан дил изҳори», кўпчилик дарди ва хоҳишини ифода этувчи «Биздан сўрабсиз», «Хатлар — ҳаёт ойнаси», оилаларимизга бағишланган «Оила: қувонч ва ташвишлар», одоб, ахлоқ бобида эса, «Дилкаш суҳбатлар» ва бошқа кўпгина рўкнларни 1992 йилда ҳам сақлаб қолмоқчимиз.

Танлаган мавзуларимиз, сўзларимизнинг соддалиги, оддий касбли ишчи, деҳқон муаллифларнинг кўплиги газетамизга меҳр-муҳаббат баҳишида қилди. Унинг сони кундан-кунга, ойдан-ойга кўпайиб борди. Газетанинг биринчи сонига (8 апрелда чиққан) обуна бўлганлар 1296 киши эди. Йил охирига келиб сиз ўқиган 39-сонга обуна бўлганлар 50 мингга етди. Бугун эса салкам 3 баравар кўп нусхада чиқаямиз.

Табиийки, бу биз газета жамоаси олдида ўта маъсулият юклайди. Иложи борича яхшироқ ишлашга ундайди. Биз асосий ишимиздан четга «ўтлаб» кетмаслигимиз учун, «ухлаб» ёки «мудраб» қолмаслигимиз учун сиз, азиз газетхон, хушёр ва сергак бўлиб, ҳар бир камчилигимиз ёки хатомизга дадил ва қатъий фикрингизни билдиришдан чарчаманг.

Янги йилни 1 январда эмас 21 мартда — Наврўз кuni кутиб олсак, деган таклифни ўртага ташлаямиз, шу масалада ўз фикрингизни билдирарсиз деган ўмиддамиз.

Янги йилда иложи борича барча камчилик ва хатоларга, лоқайдлик ва тамағирликка, сусткашликка қарши ширин сўз билан курашни ниятдамыз. «Ишонч» одамлар қалбида ишонч, имон туйғуларини тарбияламас экан, ҳар қандай яхши ниятлар ниҳоясига етмай ниятлигича қолаверади. Демак, адолатни ҳам ширин сўз билан тиклаш мумкин бўлар деб ўйлаймиз. Ахир яхши сўзга илон ҳам ўз инидан чиқади-ку! Азизлар, эскича янги йилингиз қутлуг бўлсин. Сизларга хотиржамлик, омад ва барака тилаймиз!

Тўлқин МУҲИДДИН



Яхши кунлар келишига ишонгим келади...

**ЎЗБЕКИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН, ТОЖИКИСТОН
ВА ТУРКМАНИСТОН БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ТАШКИЛОТЛАРИГА, КАСАБА УЮШМАСИНИНГ БАРЧА
АЪЗОЛАРИГА**

МУРОЖААТ

Қадрли ўртоқлар!

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон меҳнаткашлари, барча аҳолиси табиий офатларнинг даҳшатли кўринишлари — ер силқинишлари, селлар, кўчкиларни бир неча бор бошдан кечирдилар. Биз ҳаммамиз Орол денгизи қандай қилиб йўқ бўлиб бораётганининг гувоҳидиримиз. Бу биргина биз учун эмас, балки бутун қитъамиз учун хавф-хатар бўлиб қолди: Орол фожеасининг талофот келтирувчи оқибати барча халқларга таъсир қилаёпти.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон касаба уюшмалари марказлари, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги битимни тузаркан, меҳнатни муҳофаза қилишга, одамларни Орол ва бошқа экологик фожеаларнинг асоратидан қутқаришга алоҳида эътибор беради. Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида санаторий ва курортлар, дам олиш уйлари ва базалар, туристик муассасалар шохобчалари ривожлантирилади. Касаба уюшмасига қарашли янги саломатлик масканлари, болаларни соғломлаштириш лагерлари қурилиши мўлжалланмоқда.

Ишончимиз комилки, бу муаммолар фақат касаба уюшмаларининг ҳамкорлиги, ишчилар-

нинг мададкорлиги ва қардошларча ўзаро ёрдами туфайлигина муваффақиятли бўлиши мумкин, чунки бизнинг ҳаммамизнинг тарихимиз бир, тақдиримиз умумий, келгуси авлодлар тўғрисидаги ғамхўрлигимиз битта.

Меҳнат коллективларига, касаба уюшмасининг барча аъзоларига Орол ва бошқа экологик талофотлардан зиён кўрганларга ёрдам сифатида бирдамликнинг умумий минтақавий хайрия фондиди тузишда иштирок этиш ва ой сайин бу фондга бошлангич касаба уюшмалари ихтиёрида қоладиган касаба уюшмаси бадалларининг 5 фоизини ўтказиш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қиламиз.

Бошлангич касаба уюшмалари билан келишган ҳолда бу маблағларнинг махсус ҳисобда жамланиши ва зарур бўлган тақдирда зарар кўрган районларга, жуда муҳтож кишиларга жўнатилиши назарда тутилади.

Барча меҳнаткашлар касаба уюшмаларининг бу олийжаноб инсонпарварлик ҳаракатини англаб етадилар ва қўллаб-қувватлайдилар, деб ишонч билдирамыз.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон,
Тожикистон ва Туркменистон касаба
уюшмалари Федерациялари кенгашлари.



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

1992 йил 2 январь 1-сон қарори

1992 йилда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИСТЕЪМОЛ БОЗОРINI ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ва товарларни фақат республика фуқароларига сотиш учун шароит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1992 йил 10 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида аҳолига сўмларда ҳақ тўлаш билан бирга купонлар бўйича товарлар сотиш жорий қилинсин.

2. «Товарларни купонли карточкалар билан сотиш, уларни бериш, сақлаш, ҳисобга олиш, инкассация қилиш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисида»ги Вақтинчалик Низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирликлар, идоралар, ассоциациялар, концернлар, корхоналар, ташкилотлар ва мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжаликлар 1992 йилнинг 4 январигача банкларнинг тегишли муассасаларига, 1991 йилнинг декабридаги иш ҳақи суммаси ҳисобидан, унинг 1992 йилда ошишини назарда тутган ҳолда 2-иловага ҳамда «Товарларни купонли карточкалар билан сотиш, уларни бериш, сақлаш, ҳисобга олиш, инкассация қилиш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисида»ги Вақтинчалик Низомга мувофиқ, зарур миқдордаги купонларга талабномалар тақдим этсинлар.

Ўзбекистон Давлат банки бошқа республика банклари билан биргаликда тушган талабномаларга мувофиқ, зарур миқдордаги купонлар беришни таъминласин.

Республика ҳудудидаги барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, хўжаликлар 1992 йилнинг 9 январигача ишловчиларга, пенсионерларга, студентларга ва бошқа тоифадаги фуқароларга купонлар беришни таъминласинлар.

4. Болалар озиқ-овқатига муҳтож икки ёшгача бўлган болаларни таъминлашни яхшилаш учун 1992 йилнинг 10 январидан бошлаб бу товарларни врач рецепти бўйича бериш жорий қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги кам таъминланган ва кўп болалик оилаларнинг болаларига текин овқат бериш учун махсус бланкаларда бериладиган рецептлар, болалар овқатига муҳтож бўлган, қолган болаларга эса оддий рецепт бланкаларида рецептлар беришни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув аҳолига болалар овқати сотишни

врач рецепти бўйича ташкил этсинлар.

Белгилансинки, бугунги кунда талон бўйича ва энг юқори нархларда сотиладиган айрим озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини сотиш шунингдек, хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай турлари купонларсиз, 3-иловага мувофиқ, амалга оширилади. Бунда қиймати 5 минг сўмдан ортиқ бўлган товарлар аҳолига купонлар билан бир вақтда ҳисоб-китоб чеклари ва чек дафтарчалари бўйича ёки омонатчиларнинг топшириқномаси бўйича пул ўтказиш йўли билан сотилиши мумкин.

5. Белгилансинки, купонлар миқдори даромадлари қайд этилган шахсларга 2-иловага мувофиқ табақалаштирилган шкала бўйича берилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган ва йил учун иш якунлари бўйича узил-кесил иш ҳақи олувчи ходимлар учун, иккинчи иловада назарда тутилган шкалани ҳисобга олган ҳолда, ўртача ойлик иш ҳақидаги тенг миқдорларда купонлар берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, «Ўзкооптайёрловсавдо», Ўзбекистон Республикаси давлат банки, Ўзбекистон жамғармалар банки, Ўзбекистон Саноат-қурилиш банки, Ўзбекистон деҳқончилик-саноати банки, товарларни республика чек дафтарчалари ва ҳисоб-китоб чеклари бўйича сотиш қоидаларини тасдиқласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат банки Ўзбекистон жамғармалар банки, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки, Тошкент полиграфия комбинатининг ижрачи корхонаси 1992 йилнинг 1-чорагида республика чек дафтарчаларини ва ҳисоб-китоб чекларини 1992 йил учун зарур миқдорда тайёрлашни таъминласинлар, бунда 1992 йилнинг апрель ойидан бошлаб улар бўйича сотиладиган товарларнинг турларини кенгайтириш назарда тутилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси:

1992 йилнинг 10 январидан бошлаб бозор фонднинг 40 фоизигача ҳажмидаги автобензинни тижорат нархлари бўйича сотишни жорий қилсин:

автобензинни тижорат савдосини амалга оширувчи автоёнилғи қуйиш станцияларининг сонини ва жойлашини аниқласин.

Белгилансинки, автобензинни тижорат нархларида сотишдан олинган қўшимча тушумларнинг 90 фоизи республиканинг давлат бюджетига 10 фоизи эса Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитасига ажратилади.

9. Ўзбекистон республикаси Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат нархлар қўмитаси, Давлат бош солиқ бошқармаси, автобензинни тижорат нархлари бўйича сотиш, тижорат нархлари белгилаш ва тижорат бўйича сотишдан олинган даромадлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Вақтинчалик низомни тасдиқласинлар.

Автобензин тижорат нархлари белгилаш ва уни қайта кўриб чиқиш республика комиссияси тасдиқлансин, унга сотиш нархлари ўзгаришига қараб автобензин учун тижорат нархларига, 4-иловага мувофиқ тезлик билан аниқликлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

10. Мазкур қарорни амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида купон системаси жорий қилиш Республика комиссиясининг таркиби тасдиқлансин. (5-илова).

11. Ушбу қарорни бажариш мақсадида корхоналар, муассасалар ва хўжаликларнинг раҳбарлари тегишли хизматларнинг 1992 йилнинг 4 ва 5 январдаги дам олиш кунларида ишлашини ташкил этсинлар, кейинчалик уларни Қонунда белгиланган тартибда компенсация қилсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси жойларда ушбу қарорнинг оғишмай амалга оширилишини таъминласинлар, бунинг учун аҳоли ўртасида зарур ташкилотчилик ва тушунтириш ишларини олиб борсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадио қўмитаси, ЎзТАГ, республика газеталари муҳаррирлари ушбу қарордан келиб чиқадиган қоидаларни кенг тушунтириш бўйича кўрсатувлар, эшиттиришлар, ва материаллар туркумини ташкил этишни назарда тутсинлар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш комплексларнинг раҳбарларига — Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосарларига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарорига 1-илова

КУПОНЛИ КАРТОЧКАЛАР БЎЙИЧА ТОВАРЛАРНИ СОТИШ, УЛАРНИ БЕРИШ, САҚЛАШ, ҲИСОБГА ОЛИШ, ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИШ ВА МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

ВАҚТИНЧАЛИК

НИЗОМ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида купонли карточкалар* 1992 йилнинг 1 чораги учун ички истеъмол бозорини бундан кейин купонлар деб аталади

ни ҳимоя қилиш мақсадида жорий этилади.

2. Купонли карточкалар товарларни сотиб олиш ҳуқуқини берадиган бир марта фойдаланиладиган ҳужжатдир.

II. ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИДА ТОВАРЛАРНИ КУПОНЛИ КАРТОЧКАЛАР БЎЙИЧА СОТИШ ТАРТИБИ

3. Давлат савдоси, тижорат, матлубот кооперацияси тизимида, шунингдек, уларни

ишлаб чиқаришни амалга оширувчи товар алмашув операциялари бўйича ва

уларни ўз ходимларига сотувчи корхоналарда ва ташкилотларда купонлар бўйича мазкур низомнинг 4 ва 5-бандларида кўрсатилганлардан ташқари озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари сотилади.

Купонлар билан тўлаш товарлар қийматини мавжуд пул белгилари билан тўлаш билан бир вақтда карточкадан купонларнинг эквивалент суммасини қирқиб олиш йўли билан амалга оширилади.

4. Қуйидагилар купонларсиз сотилади:

мазкур қарорнинг 3-илова-сига мувофиқ озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари;

умумий овқатланиш корхоналарининг маҳсулотлари; ҳарбий қисмлар муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларига, колониялар ва ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари ҳудудида жойлашган магазинлардаги товарлар.

тижорат нархлари бўйича сотиладиган нефть маҳсулотлари;

фойдаланилган материаллар ва эҳтиёт қисмлар қиймати ҳам қўшилган ҳар хил хизматлар кўрсатиш;

5. Купонлар билан бир вақтда, чеклар, чек дафтар-

чалари бўйича ёки омонатчиларнинг топшириғига кўра уларнинг банк муассасаларидаги шахсий счётларидан пул ўтказиш йўли билан республика аҳолисига қиймати 5000 сўмдан кўп бўлган товарлар сотилади.

6. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, кооперативлар ва бошқаларнинг чакана савдо шохобчаларидан нақд пулга купонсиз товар сотиши тақиқланади. Карточкасиз купонлар ёки тегишли тартибда расмийлаштирилмаган купонлар ўтмайди.

7. 50 тийинга тенга бўлган ва ундан кам қиймат бўйича харид учун ҳисоб-китоб купонсиз амалга оширилади. Сўм ва тийинда фойдаланган харид учун ҳисоб-китоб купон билан тўланаётганда йириклаштириш қоидаларига кўра сўм ҳисобида тегишли суммагача йириклаштирилади 50 ва ундан кам бўлган тийин кам томонга, 51 ва ундан кўп тийин кўп томонга.

8. Савдо корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида, шунингдек, автоёнилғи қуйиш станцияларида купонлар кесиб олиш ва қадаб қўйиш билан тўланади, улар ўзларининг номинал қийматлари бўйича гуруҳлар-

га ажратилади ва иш куни давомида корхонанинг моддий жавобгар шахсида сотувчи, кассир, кассир-назоратчи, корхонада товарларнинг сотилиши учун масъул бўлган шахсда сақланади.

9. Магазинларнинг сотувчилари, шунингдек, корхоналарда ва ташкилотларда амалга ошириладиган алмашув операциялари натижасида ва валюта учун олинган товарларни сотиш учун масъул бўлган шахслар савдодан олинган тушумни сўм ва купон билан икки томонлама ҳисоблаб чиқадилар. Купонлар қатъий ҳисоб-китоб ҳужжати бўлиб ҳисобланади.

10. Тушум суммасининг сўм ва купон ҳисобида бир-бирига тўғри келиши учун масъулият савдо корхонасининг раҳбари зиммасига юклатилади. Йўл қўйилиши мумкин бўлган фарқ фонзи тегишли банк органлари билан келишилган ҳолда юқори савдо ташкилотлари томонидан белгиланади.

11. Банк муассасаларида тушган купонларни ҳисобга олиш унинг ҳаракати ва топшири тартиби Ўзбекистон Давлат банки, Саноат қурилиш банки, Деҳқончилик саноат банки, Савдо вазир-

(Давоми. Боши 2-бетда).

лиги, Узбекбирлашув, Узбекистон жамғармалар банки, Узбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги, «Узкооптайёрловсавдо» ва Узбекис-

тон Республикаси Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси йўриқномаларига мувофиқ амалга оширилади.

дорида купонлар оладилар. Бола уч ёшга тўлгунга қадар унга қараш учун ўз таътилни давом эттираётган, лекин бу нафақа ва компенсацияларни олиш муддати тугаганлиги учун уларни олмаётган аёлларга купонлар уларнинг иш жойидан 150 сўм миқдорда берилади.

Мавсумлар орасида мавсумий ишлар билан банд бўлган фуқаролар купонларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмиталари берган рухсатнома асосида яшаш жойларидан ойига 150 сўм миқдорда оладилар.

Даромад манбаига эга бўлмаган ва оила қарамоғидаги уй бекаларига купонлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмиталари берадиган маълумотномалар тақдим этилгач, банк муассасаларидан ойига 150 сўм миқдорда берилади.

Бензин учун пул компенсацияси олувчи ногиронларга купонлар компенсация пулининг 100 фоизи миқдорда компенсация олинадиган жойда йилнинг ҳар чорагида бир марта берилди.

Болалар ассортименти товарларининг қимматлашганлиги учун нафақа олувчи болаларга купонлар компенсация пулининг 100 фоизи миқдорда, бошқа нафақалар учун эса белгиланган тартибда берилади.

Моддий ёки жисмоний зарар етказилганлиги муносабати билан фуқароларга бериладиган моддий ёрдам пули учун купонлар тўла миқдорда берилади.

Йил чораги, йил учун мукофотлар, мукофот пуллари ва моддий ёрдам пули учун купонлар ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик миқдорда белгиланган шкала бўйича (2-илова) берилади.

Республика ҳудудида ишловчи ва сўмларда иш ҳақи олувчи чет эл фуқароларига купонлар умуий асосларда ишловчилар сифатида берилади.

Иш ҳақини сўмларда оловчи, бироқ республикада яшовчи ёки хизмат сафарига бўлган чет эл фуқаролари банк муассасаларида эркин алмаштириладиган валютани белгиланган шкала бўйича миқдорда (2-илова) купон олган ҳолда тижорат курси бўйича сўмларга алмаштириш ҳуқуқига эгадирлар.

V. КУПОНЛАРНИ ОЛИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

16. Купонлар республика ҳудудида жойлашган барча банк муассасаларида шу жумладан тижорат банкларида берилди.

17. Корхона, муассаса, ташкилот раҳбарларининг буйруғи билан купонларни олиш, сақлаш ва бериш бўйича маъсул шахс тайинланади. Ҳамда унга шартнома бўйича жавобгарлик юклатилади.

Купонларни олиш ва бериш корхоналар томонидан алоҳида ҳисобга олиш дафтарида ҳисобга олинади. У номерланган ип ўтказиб тикланган, муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак. Ҳисобга олиш дафтаридаги варақлар сони корхона раҳбарлари ва бош бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади. Дафтардаги ёзувлар купонларни олиш ва бериш ҳуқуқини берувчи кириш-чиқим накладнойлари, сарфланган касса ордерлари ва тўлов ведомостлари орқали амалга оширилади.

Республика ўқув юртларида ўқийётган чет эл фуқароларига купонлар тўланадиган стипендиянинг 100 фоизи миқдорда берилади. Улар эркин алмаштириладиган валютани купон олган ҳолда сўмларга алмаштириш ҳуқуқини ўзларида сақлаб қоладилар.

Республика ташқарисида вақтинча ҳарбий хизматни ўтаётган, оила аъзолари республикада доимий яшаётган фуқаролар хизматни ўтаётган жойидан иш ҳақи тўғрисида берилган маълумотнома асосида ҳарбий комиссарликлар берадиган рухсатнома бўйича банк муассасаларидан белгиланган шкала бўйича (2-илова) миқдорларда купон оладилар.

Чет элда ишлагандан кейин ёки навбатдаги меҳнат таътилга келган республика фуқаролари купонларни чет элга хизмат сафарига боргунга қадар ишлаган корхоналаридан, ҳарбий хизматчилар эса ҳарбий комиссарликлардан умуий асосларда оладилар.

Республика ҳудудида доимий яшовчи ва республика ташқарисида кўчиб ишлаб юривчи шахслар даромадлари тўғрисидаги маълумотномаларни кўрсатгач, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмиталари купон олиш учун берган рухсатномаларни кўрсатиб, банк муассасаларидан купонларни оладилар.

1-гурӯх ногиронларга, шунингдек, интернат уйларда яшовчи ва тўла давлат таъминотида бўлган пенсионерлар ва ногиронларга купонлар ўзлари оладиган пенсия миқдорда берилади.

Муаллифлик кашфиётлари, ихтиролари, рационализаторлик тақлифлари ва ҳоказо ҳисобига мукофотлар олувчи фуқаролар купонларни асосий иш жойидан умуий асосларда ҳамма даромадлари юзасидан оладилар.

Етим болалардан ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалардан бўлмиш талабалар ва ўқувчиларнинг, тўла давлат таъминотида бўлган талабалар ва ўқувчиларнинг стипендиялари тўла миқдорда купонлар билан таъминланади.

Муваққат ижодий жамоаларнинг аъзоларига, шунингдек, пудрат шартномаси бў-

йича иш бажарувчи шахсларга купонлар асосий иш жойида ҳамма даромадлари юзасидан белгиланган шкала бўйича миқдорда (2-илова) берилади.

ВТЭК меҳнат қобилиятининг йўқолиши даражасини аниқлайдиган тиббиёт комиссиясидан қайта текширувдан ўтган ва пул даромадлари олмайдиган фуқароларга банк муассасаларида халқ депутатлари, маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмиталари томонидан белгиланган рухсатнома кўрсатилгандан кейин кўриқдан ўтишнинг бутун даври учун ҳар ойда 150 сўмлик купон берилади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ўз ҳисобидан таътил олган ходимларни иш жойидан купонларни таътилга чиқишдан олдинги охири ойда олинган белгиланган даромадлар суммасидан белгиланган шкала бўйича миқдорда (2-илова) оладилар.

Донорлар донорлиги учун даволаш муассасаларидан олинган сумманинг тўла миқдорда купонлар билан таъминланадилар.

Бошқа республикаларнинг узоқ муддатга бир ойдан кўп хизмат сафарига келган фуқаролари купонларни хизмат сафарига келган ташкилотлар ва корхоналардан ойига 150 сўм миқдорда оладилар.

Нақд пулсиз тартибда келадиган алиментлар белгиланган шкала бўйича миқдорда купонлар (2-илова) билан таъминланади.

15. Купонли карточкалар муомалага бланканинг 10, 25, 50, 100, 200 ва 500 сўмлик номинал қиймати билан чиқарилади.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг кассаларидан купонли карточка беришда купонлар суммаси йириклаштириш қоидалари бўйича 5 сўмгача кам томонга, 5 сўм ва ундан кўп бўлганда кўп томонга сўмларда тегишли суммагача йириклаштирилади.

Карточкалар аниқ бир шахснинг номига ёзиб берилади ва раҳбар, бош бухгалтернинг имзоси ҳамда корхона, ташкилот ва муассаса муҳри билан тасдиқланади.

Йўқотиб қўйилган ва бузилган купонлар ва карточкалар тикланмайди.

лар бериш алоқа муассасалари томонидан резерв ташкил этилади.

Купонларнинг ҳосил бўлган камомад сарфланган қозон пулларнинг номинал қийматидан (яъни 1 сўмлик 1 купон учун — пул билан 1 сўм) келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Купонларнинг берилган суммасини назорат қилиш учун банк муассасалари томонидан ордер расмийлаштирилади, унинг нусхаси корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга берилади.

Купонлари ҳар гал навбатдаги даврда фойдаланилган купонлар тўғрисидаги маълумотнома билан биргаликда талабнома беради.

19. Олинган купонларни корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда сақлаш қимматбаҳо қоғозларни сақлаш тўғрисидаги йўриқнома ҳамда «Халқ хўжалигида касса операцияларини юритиш (Давоми 4-бетда).

III. КУПОНЛАРНИ ФУҚАРОЛАРГА БЕРИШ ТАРТИБИ

12. Купонлар:

асосий иш, ўқиш, хизмат жойидан, пенсиялар ўтказилган пуллар олинадиган алоқа бўлимлари ва тегишли банклардан;

шахсий ёрдамчи хўжаликларда банд бўлган ва ўз маҳсулотини топширувчи шахсларга — умуий асосларда тегишли ташкилотлар томонидан;

ҳарбий хизматчилардан бўлган пенсионерларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга — банк муассасаларидан;

корхона ва ташкилотлардан стипендия олувчи студентларга — фақат ўқиш жойидан берилади.

Иш ҳақи тўлашга банк муассасаларидан нақд пул олмайдиган ва шу тўловдан тушган даромад ҳисобига таъминловчи ташкилотлар купонни умуий асосларда банкдан оладилар.

Республика ҳудудида жойлашган, лекин иш ҳақини пул ўтказиш йўли билан бошқа

ҳудудлардан оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга купонлар банк муассасалари томонидан белгиланган тартибда иш ҳақи учун ведомостлар кўрсатилгач берилади.

Уриндошлик билан ишловчи шахсларга купонлар асосий иш жойидан умуий даромадга қараб, меҳнат шартномалари бўйича, иш ҳақи олувчиларга эса умуий асосларда берилади.

13. Жорий ойда фойдаланилмай қолган купонлардан кейинги ойларда фойдаланиш мумкин.

Ходимларга таътил маблағлари ёзилаётганда бериладиган купонларнинг суммаси ҳар бир таътил ойига алоҳида ҳисобланадиган суммалар асосида аниқланади.

Банклар ва корхоналар берган кредитлар, шунингдек, суғурта органлари томонидан тўланадиган суммалар купон билан таъминланмайди.

IV. БЕРИЛАДИГАН КУПОНЛАР ҲАЖМИ

14. Бериладиган купонлар миқдори 2-иловага мувофиқ табақалаштирилган шкала бўйича иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа ҳисобланувчи қайд қилинган даромадларнинг солиқларни, алиментларни ва бошқа ушлаб қолишларни чиқариб ташлаш миқдорига боғлиқ бўлади, йириклаштириш қоидаларига мувофиқ тегишли миқдоргача йириклаштирилади 5 сўмгача — кам томонга, 5 сўм ва ундан кўп бўлганда — кўп томонга.

Купонлар бир ойда бир марта берилди.

Купонларни дастлабки бериш 1992 йил 9 январгача, 1991 йил декабрь ойи учун тўланадиган иш ҳақлари, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва бошқа молиявий даромадлар ҳисобидан белгиланган миқдорларда, ушбу даромадларнинг 1992 йилда ошишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Февраль ойи учун купонлар 1992 йил 16 февралгача, март ойи учун 16 мартгача, кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда берилди.

Доимий ва яқна тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ёки қишлоқ хўжалигига маҳсулотларни етиштириб, ўз маҳсулотини қолхоз бозорига сотувчи ёки кооперативларга топширувчи ёхуд муаллифлик гонорарлари олувчи шахсларга, шунингдек, республика ташқарисида ишловчи кишиларга купонлар уларни олишга рухсатнома кўрсатилгач, яшаш жойидаги банк муассасаларида шкала билан белгиланган миқдорда берилди (2-илова). Купонлар олишга рухсатнома солиқ инспекциялари томонидан берилган даромадлар тўғрисидаги маълумотномалар асосида яшаш жойидаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия қўмитасида берилди.

(Давоми. Боши 2—3-бетларда).

тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Купонларнинг кирим дафтарида қайд қилиниши номинал қиймати бўйича киримчиқим накладнойлари асосида юритилади ва ҳисобга олиш 004 — «Қатъий ҳисобдаги бланклар» балансдан ташқари ҳисобда амалга оширилади.

Давлат солиқ органлари кооперативлар, кичик корхоналар ва хўжалик ҳисобидаги бошқа бўлимларни молиявий тафтиш қилганларида мажбурий тартибда олинган купонлар суммасининг иш ҳақи бериладиган тўлов ведомостларига мувофиқ келишини текширадидилар.

Корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилувчи ва текширувчи органлар ушбу тартибнинг бажарилишини назорат қилишга бурчлидирлар.

Купонларни бериш тугаллангандан кейин, бироқ улар банкдан олингандан 5 кун ўтмасдан, купонларни сақлаш ва бериш учун жавобгар шахс уларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот тузади. Корхона бухгалтерияси купонларнинг олиниши ва бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни текширишни амалга оширади.

20. Купонли карточкалар

VI. КУПОНЛАРНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ВА ИНКАССАЦИЯ ҚИЛИШ

23. Купонларни муомалага чиқариш ва уларни инкассация қилиш барча банк муассасалари томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарорига 2-илова

БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН ДАРОМАДЛАР БЎЙИЧА КУПОНЛАР БЕРИШ СУММАСИНИ АНИҚЛАШ ШКАЛАСИ

Иш ҳақлари, пенсиялар ва бошқа Купонлар бериш миқдори, % белгилаб қўйилган даромадлар миқдори (солиқларсиз ва бошқа чегиришларсиз), сўм

500 сўмгача	100
501—1500	500 сўм + 500 сўмдан ошган сумманинг 70 фоизи
1500—2000	1200 сўм + 1500 сўмдан ошган сумманинг 50 фоизи
2001—2500	1450 сўм + 2000 сўмдан ошган сумманинг 20 фоизи
2500 ва ундан кўп	1550 сўм + 2500 сўмдан ошган сумманинг 10 фоизи

Ўзбекистон Республикаси Давлат банкининг буюртмаси билан босиб чиқарилади. Купонларни босиб, ҳисобга олиш, ташиш ва банкда сақлаш Ички ишлар вазирлиги, инкассация республика бошқармаси ҳамда уларни босиб чиқарувчи корхоналарнинг махсус назоратида бўлади.

Карточкаларни ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби республика банкларида бухгалтерия учети ҳисоб-китоблари режасини қўллаш тўғрисидаги қўрсатмаларга мувофиқ белгиланади.

Банк муассасасининг раҳбари, бош бухгалтер ва касса мудир кўпчилик карточкаларни қабул қилиб олиш, сақлаш ва уларни бериш қоидаларига қаттиқ риоя этилишини таъминлайдилар. Купонларнинг сақланиши учун моддий жавобгарлик касса мудир зиммасига юклатилади.

21. Банк муассасалари купонларнинг тўла инкассация қилинишини, сақланишини, кейинчалик эса уларнинг белгиланган тартибда иккиламчи хом ашё корхоналарига топширилишини таъминлайдилар.

22. Почта ташкилотларининг пул ўтказиш операциялари бўйича купонларни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан белгиланади.

24. Сохта купонлари яшаш сохта давлат хазина билетларини яшашга тенг даражада қонун билан тақиқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарорига 3-илова

АҲОЛИГА КУПОНЛАРСИЗ СОТИЛАДИГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА НООЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИНИНГ РҲИХАТИ

1. Белгиланган нормалар бўйича ва чекланган нархларда сотиладиган товарлар:

Ун
макарон маҳсулотлари
гуруч
ўсимлик ёғи
чой
қанд-шакар
тухум
гўшт ёки гўшт консервалари

ароқ
кир совун
калишлар
ип-газлама матолар (чит ва хомсурп)

болалар ассортиментини (янги туғилган чақалоқлар учун комплект, ўғил болалар учун кўйлак ва шимлар; қиз

болалар учун кўйлак ва юбкалар 12 ёшгача бўлган болалар оёқ кийимлари: болалар пайпоқ буюмлари ва колготкалар.

2. Болалар озиқ-овқат маҳсулотлари (врач рецептлари бўйича)

Кўмир, ўтин
Омухта ем, кунжара, шулҳа, барда, пиво қуйқаси

Гуллар, полиэтилен пакетлар, грампластинкалар
Илгари фойдаланилган, воситачи магазинларда сотиладиган товарлар

Келин-куёвлар учун дўконлар ва бўлимлардаги товарлар, шунингдек, маросимлар учун кўзда тутилган товарлар (маҳаллий Кенгашлар

ижроия қўмиталарининг маълумотлари бўйича)

Матбаачилик маҳсулотлари

Дорихоналарда, «Оптика» магазинларида сотиладиган дори-дармон воситалари ва бошқа товарлар, протез-ортопедия корхоналарининг маҳсулотлари

Кооперативлар фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар томонидан ишлаб чиқарилган ва улар ўзлари мустақил равишда сотадиган товарлар, шунингдек, шахсий ёрдамчи хўжаликларда етиштирилган ва колхоз бозорида сотиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

Тижорат нархларида сотиладиган нефть маҳсулотлари.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарорига 4-илова

АВТОБЕНЗИН УЧУН ТИЖОРАТ НАРХЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

Ҳаққулов Қ. Ж.

— Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — комиссия раиси

Мўминов Е. Т.

— Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси раиси — комиссия раисининг ўринбосари

Комиссия аъзолари:

Саидумархўжаев А. С.

— Давлат нархлар қўмитаси

раисининг ўринбосари Гуськова Т. Н.

— Молия вазирининг биринчи ўринбосари

Тошхўжаев Х. Х.

— Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Йўлдошев А. Т.

— Молия вазирлиги Бош

бюджет бошқармасининг бошлиғи

Сноведская А. И.

— Давлат нархлар қўмитасининг бўлим бошлиғи

Цхай В. П.

— Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси иқтисодий ривожланиш ва молия бўлимининг бошлиғи, комиссия котиби

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 январдаги 1-сон қарорига 5-илова

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1992 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

Ҳамидов Б. С.

— Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — умумиқтисодий комплекси раҳбари

Муталов А. М.

— Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — халқ истеъмоли моллари, савдо ва пулли хизматлар комплексининг раҳбари

Самандаров Э. С.

— Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — ижтимоий ривожланиш, фан ва маданият комплексининг раҳбари

Отажонов А. Р.

— Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — меҳнат вазири

Боқиев Э. Ж.

— молия вазири

Усмонов М. З.

— савдо вазири

Волков Г. Г.

— Ўзбекбирлашув раиси

Муллажонов Ф. М.

— Ўзбекистон давлат банки бошқаруви раиси

Азимов Т. С.

— Ўзбекистон саноат-қурилиш банки бошқаруви раиси

Аҳадов А. А.

— Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки бошқаруви раиси

Раҳматуллаев У. Қ.

— Ўзбекистон жамғармалар банки бошқаруви раиси

Хўжаев С. А.

— ижтимоий таъминот вазири

Раҳимов К. Р.

— алоқа вазири

Алматов З. А.

— ички ишлар вазири

Алламуродов Б. А.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси

Ҳайитбоев Э. Қ.

— УЗТАГ директори

Ҳайдаров Т. Ҳ.

— республика пенсия фонди раиси

Аҳмедов Қ. А.

— Давлат нархлар қўмитаси раиси

Мўминов Е. Т.

— Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш Давлат қўмитаси раиси

МЕҲМОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикасида Афғонистон меҳнаткашлари Миллий иттифоқи Марказий кенгашининг делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Унга Марказий кенгаш раиси, Афғонистон республикаси парламенти аъзоси, профессор Ф. М. Зимерай бошчилик қилмоқда.

Меҳмонлар корхона ва хўжаликларда, ўқув юртларида бўлиб, касаба уюшмалари фаолияти билан танишдилар, фаоллар билан суҳбатлашдилар.

Меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмаси Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов қабул қилди.

Суҳбат давомида Ўзбекистон ва Афғонистон Республикалари касаба уюшмалари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим тақдирлар ўртага ташланди.



Самарқанд вилоятининг Советобод районида Абу Али ибн Сино номли янги санаторий очилди. Даво маскани 250 ўринли бўлиб, бу ердаги родар булогининг шифобахш сувида юрак-қон томири, суяк-мушак касалликлари билан оғриган кишилар ўз дардларига шифо топадилар. Санаторийни касаба уюшмалари курортлари бошқариш Ўзбекистон Республика кенгашининг буюртмасига биноан «Узпрофстрой» қурилиш ишлаб чиқариш бирлашмаси биповорлари бунёд этдилар.

Санаторийнинг очилиш маросимида халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг раиси П. Абдурахмонов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари О. К. Адаманов ўртоқлар қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

Б. ВАХОБОВ.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат қўмитаси раиси, Ўзбекистон кимё саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Президиумининг аъзоси, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими» Ёқуб Тургунович Мўминов билан махсус мухбиримиз Тўлқин Муҳиддин мулоқотда бўлди.

Т.М. Ёқуб Тургунович, «1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг истеъмол бозорини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарорда сиз бошлиқ қўмитага анча тошпириқлар берилган. Шуларни шарҳлаб берсангиз.

Ё.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг сиз айтётган қарорининг 8 ва 9-бандида бизга 1992 йилнинг 10 январидан бошлаб бозор фондининг 40 фоизгача ҳажмидаги автобензинни тижорат нархлари бўйича сотишни жорий қилиш; автобензиннинг тижорат савдосини амалга оширувчи автоёнилги қуйиш станцияларининг сонини ва жойлашшини аниқлаш юклатилди. Бу ишларни амалга ошириб бўлдик. Ҳозир автоёнилги қуйиш станциялари тижорат нархларида савдо қилишга ўтди.

Т.М. Қарорда яна автобензинни тижорат нархларида сотишдан олинган қўшимча тушумларнинг 90 фоизи республиканинг давлат бюджетига, 10 фоизи эса сизларга ажратилиши айтилган.

Шу 10 фоиз нималарга сарфланади?

Ё.М. Бу маблағ қўшимча харажатларга, қўмитамиз ривожланишига сарфланади.

Т.М. Соҳангиз меҳнаткашларига ҳозиргача қандай ғамхўрлик қилинаётгани ҳақида икки оғиз айтиб берсангиз.

Ё.М. Бажонидил. Кўпчилик учун энг муҳим муаммо уй-жой масаласи бўлса керак. Бу иш бизда яхши амалга ошяпти, десам муболага бўлмас. «Уй-жой — 2000» деб номланган дастури-мизга асосан барча уй-жойга муҳтож оилалар 1995 йилга келиб эҳтиёжлари тўла қондирилади. 1991 йилнинг 1 январигача навбатга турган оилалар 1993 йилдаёқ коттеджда, ҳовлили уй ёки квартирага эга бўладилар.

Т.М. Демак, дастурда ёзилган гаплар қоғозда қолиб кетмайди...

Ё.М. Албатта. Ғамхўрлик ҳақидаги масаланинг иккинчи қисми бу ёрдамчи хўжаликларимизнинг мадади. Бугун қўшимчадаги ҳар бир ишловчига 2,1 кг. гўшт, 4,2 кг. сут, 9 кг. мевасабзавот, 3 кг. асал тўғри келяпти. Тўғрироғи, шунчадан етиштириляпти. Бу рақамлар ошиб боради, албатта. Кейинги ғамхўрлик бу социал ҳимоя масаласидаги ишларимиз. Ойлик маош кейинги бир йил ичида 2,2 баробар кўпайди. Тўртинчи кварталда ойлик маош ҳажми 500 сўмдан ошди. Бунини яна ошириш йўллари ахтаряп-миз.

Т.М. Тушки овқат...

Ё.М. Тушки овқат учун имконият даражасида ҳар бир ишловчига 100 сўмгача миқдорда ёрдам пули беряп-миз. Бу рақам ҳам чегара эмас.

Т.М. Ёқуб ака, яна қандай савобли ишлар қилаёсизлар?

Ё.М. Қўмитамиз ҳисобига тушган соф фойданинг бир қисmini турли савобли ишларга ажратдик. Масалаи, «Хайр-саховат», «Наврўз» фондлари-га 55 минг сўм маблағ ўтказдик. Соғлиқни сақлаш вазирлигига чет эл медицина асбоб-ускуналари сотиб олиш учун валюта фондимиздан 150 минг доллар бердик. Крупская номидаги болалар суяк сили касалликлари

санаторийсига 230 минг сўм миқ-дорда оталиқ ёрдами кўрсатдик. Ҳозир шу санаторийга яна ёрдам кўрсат-моқчимиз. Қисқаси шунга ўхшаш иш-лар ҳам қилиб турибмиз.

Т.М. Бу яхши ишлар сарфи нима эвазига амалга ошириляпти?

Ё.М. Энг аввало, меҳнаткаш хо-димларимизнинг меҳнати эвазига. Кейин изланишларимиз, тадбиркорли-гимиз эвазига бўляпти. Масалан, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича кичик корхоналар тармоқлари ташкил қилганмиз. Андижондаги ки-чик корхонамизда теплицалар, иссиқ-лик қозонлари, электр кўтаргичлар, Самарқандда — хўжалик ва манза-рали шамлар, Наманганда — рўмол-лар, шолчалар, Фарғонада — эркак-лар туфлиси ва ҳоказолар ишлаб чи-қариляпти.

Кундалик истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича яна бир қатор режа-ларимиз бор. Уларни шу йил амалга оширмоқчимиз. Яна битта гап шуки,

Меҳнат-виждон кўзгуси

йўл харажатлари Чимкентдан нефть қувури орқали келаётган маҳсулот, темирйўл орқали Россиядан келаётган нефть маҳсулотларига нисбатан бизга икки баробар арзонга тушмоқ-да. Шунга ўхшаш иқтисодий ҳисоб-китоб эвазига ҳам маблағ топяп-миз.

Т.М. Россия Федерациясидан ўзимизга нефть қувурлари тортиб келсак бўлмайми?

Ё.М. Бўлади. Чўки Россиядан нефть қувурлари Чимкентга етиб кел-ган. Биз шундан Фарғонагача тортиш-ни режалаштирмоқдамиз.


Т.М. Бир вақтлар сув текин бўлган бензин бугунга келиб...

Ё.М. Ҳа, гапингиз тўғри Тўлқин Муҳиддинович, охириги икки йил ичида собиқ СССР миқёсида нефть маҳсу-лотларини ишлаб чиқариш ҳажми 25-30 фоизга камайди.

Фарғона нефтни қайта ишлаш за-води республиканинг бензинга бўлган эҳтиёжини атиги 45 фоизини таъмин-ляпти, қолган 55 фоизи эса Россия, Қозоғистон ва Туркменистондан олин-ляпти. Шунинг ҳам айтмай, улар нефть маҳсулотларини осонликча бер-май, иложи борича унинг нархини оширишяпти. Бизнинг эса улар шар-тига рози бўлмасдан иложимиз йўқ.

Т.М. Бензин таъминотидаги узи-лишларни қандай изоҳласак бўлади?

Ё.М. Қисқача қилиб айтсам, бу но-қобил, масъулиятсиз ходимларнинг айби деб биламан. Шундай бўлма-слиги учун ҳаракат қилинмиш. Ҳалол, меҳнатдан қўрқмайдиган, тадбиркор, ташаббускор ёшларни топиб, рах-барлик лавозимларига қўйишмиш. Ҳо-зир соҳамиздаги қарийб 90 фоиз рах-



барларимизнинг ёши 35—40 ўртасида. Бу ўз натижасини беряпти.

Т.М. Ўзингизнинг ёшингиз...

Ё.М. Қарияпсан, қачон пенсияга чиқмоқчисан, демоқчимисиз? Гапин-гизда жон бор. Еш раҳбар ташаб-бускорроқ, янгиликка интилувчанроқ бўлади — бу тўғри. Лекин уларга

га ким мажбур қилади? Нега оила даврасида бўлиш, меҳмонга бориш, саёҳатга чиқиш мумкин эмас?

Ё.М. Яна ўша пластинками? (ку-либ) Шунга ўрганиб қолганман. Уй-дагилар ҳам шунга кўниккан. Нима қилай, энди бу ҳаёт тарзимни ўзгарти-риб бўлармикан?

Т.М. Кўриб турибман, жавонингиз янги китоблар билан бойибди. Лекин...

Ё.М. Тушундим, лекин ҳозир варақ-лашга вақт йўқ. Алдашни истамай-ман. Дам олишга чиқай, ўшанда маз-за қилиб ўқийман.


Т.М. Янглишмасам, сиз 9-Ленинизм сайлов округидан Қорақалпоғистон Республика халқ депутатлигига сай-лангансиз. «Советская Каракалпа-кия» газетасида сиз ҳақингизда ёзил-ган мақолада ўқиган эдим. Унда айтилишича, кўпчилик, яна тошкент-лик меҳмон учун овоз берамизми? Олисида туриб нима каромат кўрсатар-ди, дейишган экан. Кейин улар билан бўлган мулоқотдан сўнг кўпчиликнинг фикри ўзгариб сиз учун овоз беришиб-ди. Айтинг-чи, «Узоқда туриб» нима каромат кўрсатдингиз ёки кўрсатаё-сиз?

Ё.М. Ҳозирча кам иш қилдим. Депутат бўлиб сайланганимга атиги бир йилдан ошди. Шу вақт ичида «Ленинизм» жамоа хўжалигида нов-войхона учун ускуналар олишда кў-маклашдим. Сут ташувчи машина со-тиб олиш масаласини ижобий ҳал қил-дим. Макаренко ва Абай номидаги мактабларда марказий иситиш систе-маси ўтказилишида, қишлоқ аҳолиси уйлари газлаштириш масаласида ўз улушимни кўшдим. Яқка тартибда уй қуриш ишида жамоа хўжалиги фах-рийларининг илтимосини бажардим. Шунга ўхшаган майда-чуйда ишларни бажариб турибман.

Т.М. Охириги савол. Мумкин бўлса айтсангиз. Ҳаёт моҳиятини, маъноси-ни қандай тушунаёсиз?

Ё.М. Александр Блок таъбири билан айтсам «Исон ҳаётининг маъноси ти-ниб-тинчимаслик...» деб тушунаман.

Т.М. Ёқубжон Тургунович, сездим, умидва мақсадларингиз яхши экан. Шиллернинг «Мақсади улуглашган сари одам ҳам улуглашиб боради» деган фикрига тўла қўшилишни иста-тардим. Албатта бунинг учун янада кўп ва самарали меҳнат қилишга тў-ғри келади.



Бугун Ханифахон ая гунча ёшида очилмай эссиз кетган ўғли Абдумуталлиб хотираси ҳаққи, дунёда ўз жигаргўшаларини соғиниб яшаётган барча она-изорларга омонлик, сабру матонат тилайдилар. Ханифахон Ортиқбоева Фарғона районидagi Каптархона қишлоғида истиқомат қиладилар.

Сураткаш М. Орипов.

ДЎСТЛАРИ КЕЛСА-Ю, КЕЛМАСА ЎЗИ...

Водил қишлоғининг жанубий қисмида сўлим хиёбон бор. Бу ерда афғон урушида ҳалок бўлган олти нафар йигит хотирасига икки йил муқаддам ўрнатилган улкан ёдгорлик қад ростлаб турибди. Мангу оловнинг ҳар икки томонида олти баҳодир суврати ўйиб ишланган мармар лавҳалар... Мен улар билан тирикчилигида учрашмаганман. Ҳар гал йўлим шу томонга тушганда хиёбонга кириб қирчида қийилган баҳодирлар билан ҳаёлан суҳбатлашаман. Байрамларда уларни йўқлаб тураман. Кўз ўнгимда марҳумларнинг ота-оналари гавдаланади. Уларнинг елкасини тош қадар босиб турган айрилиқ юкини туйиб, юрагимга оғриқ киради.

Бундан бир йил муқаддам район газетасида ишлаб юрган кезларимда иш юзасидан афғон туپроғида шаҳид кетган йигитларнинг хонадонига бирма-бир кириб чиқишга тўғри келган эди. Фарзандининг совуқ жасадига эва бўлганларнинг дардини тинглашдан оғири бўлмаса керак. Уша кунлари олти хонадон ҳасрати сочларимни оққа бўйгани рост...

Ўшмиш икки йил қон кечиб, ўқ ёнғирлари остида хизмат қилди-ю, мен ҳам, отаси ҳам у ёқда уруш бўлаётганини, фарзандимиз ўзга юрт туپроғини душмандан тозалаш учун қирғинбарот жангларда қатнашаётганини билмаган эканмиш...»

Ҳа, биргина миндонлик Хайринисо ая Мамадалиева эмас, фарзандлари йўлда кўз тикиб турган минглаб ота-оналар ҳам ўша саксон олтинчи йилнинг қуёнда жигаргўшаларининг у ёқларда қон кечиб юрганлигини ҳали билишмасди. «Йигитларимиз кўшини афғон туپроғининг тинчлигини қўриқлашдек байналмилал бурчларини шараф билан худдалашаётир...» Матбуот нашрларидаги шу каби алдовларга ишониб келдик. Онда-сонда хонадонлар тинчини бўзиб турган темир қўтилардаги йигитларнинг жасадини ҳам «бахтеиз ҳодиса» деб изоҳлашди.

Кейинчалик ҳақиқатни айтишга журъат топганлар бўлди. «Жасур йигитларимиз афғон қирларига ким учун, нима учун сўлмоқда» деган савол юракларимизни тирнай бошлади. Ниҳоят оммавий ахборот воситалари орқали «Бугун 1989 йил 15 февраль кунини сўнгги шўро аскар афғон туپроғини тарк этди» деган хунхабарни эшитиб кўнглимиз бир қадар таскин топди. Туну кун фарзандларининг эсон-омон қайтишини олто-таолодан илтижо қилиб сўраган ота-оналарнинг кўнчилиги жигаргўшаларини кўзда ёш билан қудлоқ ёзиб кутиб олишди. Бироқ бу бахтга мўъясар бўлмаган, «Ой бориб, омон қайт» деб қўзатган фарзандининг кўп ўт-

— Тиббий хизматнинг юксак сифатли бўлишини таъминлайдиган ҳамда тиббий сугуртанинг давоми бўладиган ўз тиббий клиникамизни яратмоқчимиз. Маълумки, оддий поликлиника ва касалхонада ҳаминша ҳам ҳамма имкониятлар бўлмайди, беморга эътибор ва сабр-тоқат билан муносабатда бўлиш етишмайди, диагностика ва даволаш замонавий даражада эмас. Агар биз ўз клиникамизга эга бўлсак, мижозларимиз миқдори ҳам, бинобарин, фирмамизнинг обрўси ҳам ортади.

Бизнинг яна бир қатта орузимиз бор. Рўёбга чиқиши қийин бўлган бу орузу — техника хизмати станциясини барпо этишдир. Нима учун рўёбга чиқиши қийин дейсиз? Чунки захира қисмлар бўлмаса тегишли қудайликни яратиб бўлмайди.

— Бизнинг суҳбатимиз «АстроВАЗ» амалга оширган хайр-эҳсондан бошланди. Ана шундай тadbирлар ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз.

— Тижорат анъанавий тарзда ҳаминша хайр-эҳсон билан боғлиқ бўлганлиги учун биз ҳам ана шу анъаналарга риоя қилмоқдамиз. 200 минг сўм маблағни ногиронлар жамиятига ажратдик, бу жамият аъзоларига 50 та иш жойи бердик. Сугуртанинг барча тўловлари бўйича 25 фоиз афзаллик билан таъминладик. Янги йил ара-

даловчи, маданий жамият йўлида яна бир шаҳдам қадам қўйилган кун деб баҳолаймиз. Мен ва корхонамизнинг барча ходимлари Ислон Абдуганиевич Каримовни ёқлаб овоз бердик. Зеро у Республикада барқарорликни таъминлай оладиган сиёсатчи, чуқур иқтисодий ўзгаришларнинг аҳамиятини аниқ идрок этадиган иқтисодчи сифатида намён бўлди. Унинг яқинда Туркияга қилган сафари натижалари ҳам буни яна бир марта тасдиқлади.

— Марк Борисович, сиз қисқа муддат ичида давлат сугурта идорасига муқобил қудратли тузилмани вужудга келтирган фирманинг ишлари ҳақида анча тўлиқ гапириб бердингиз. Бу иш сергайрат, ишбилармон одамларнинггина қўлидан келади, албатта. Сиз ана шундай одамларга бошчилик қилайсиз, ўзингизнинг касбингиз нима?

— Мен умр бўйи sanoatда ишлаб келдим ва айтишим мумкинки, тузуккина энергетик инженерман. Ишбилармонлик фаолияти билан шугулланишимнинг сабаби шуки, бу фаолият менга ҳеч қандай тўсиқларсиз мустақил равишда ўз ақлий имкониятларимдан тўла фойдаланиш имконини беради. Камтарлик бўлмаседа бир мақтаниб қўймоқчиман: мен ишлаб чиққан биржа битимларини сугурта қилиш концепциясини Москва шаҳридаги «Эксперт» электрон биржасининг биржа кенгаши 100 минг сўм миқдорда баҳолаб мени ана шу сугурта кампаниясининг бош директори қилиб тайинлади. Тўғри, Тошкентдаги ва Москвадаги ишларни бирга қўшиб олиб бориш қийин бўлади, лекин мен ҳар йекала ишни ҳам энлай оламан, деган фикрдаман.

(Давоми. Боши ўтган сонларда)



КУРЪОН СУРАЛАРИ

Ибн Сийрийн айтибдурларким, ҳар ким тушида «Сура-и фаотиҳа»ни ўқиса, далил бўлғайки, умри узун, имони саломат бўлғай. «Сура-и бақара»ни ўқиса, душманларидан эмин, азиз муқаррам бўлғай, камбағал бўлса, бой бўлғай. Бемор бўлса, шифо топғай. Ғамгин бўлса, хурсанд бўлғай. «Сура-и Олий Имрон»ни ўқиса, жами офатлардин омон бўлғай, бузруклик ва саломатлик хайрли бўлғай. «Сура-и тавба»ни ўқиса, гуноҳидин тавба қилғай. «Сура-и Юнус»ни ўқиса, давлати зиёда бўлғай, магар хору зор қилмағай, «Сура-и Қодр»ни ўқиса, лайлатул-кадрининг савобини топгунча дунёдан кетмас, «Сура-и кавсар»ни ўқиса, молу неъматни зиёда бўлғай. «Сура-и ёсин»ни ўқиса, умри узун, оқибати бохайр бўлғай.

Ибн Сийрийн айтибдурларким, ҳар ким тушида «Сура-и иҳлос»ни ўқиса, далил бўлғайки, эътиқоди мустаҳкам, тоат ибодатга дили мойил бўлғай. Имом Жаъфар Содик Раҳматуллоҳ алайҳиссалом айтибдурларким, икки жаҳонда муродиға етгай, умри хушлик билан ўтгай, «Сура-и фалак» ва «Сура-и нос»ни ўқиса, далил бўлғайки, жоду анга зарар қилмағай, Аллоҳ таоло уни ёмон сўз, ҳасаддан сақлағай, ризқ-рўзи зиёда бўлғай.

Агар «Ло ҳовля вало куввата илла биллаҳил-аллийю-азиймани» ўқиса, кўп мол ва ғаниматни топғай.

СУНБУЛА

Ибн Сийрийн айтибдурларким, ҳар ким тушида сунбулани хўл олса, унинг микдорича мол ҳосил бўлғай. Агар курук сунбулани олса, бунинг акси бўлғай. Мағрибий Раҳматуллоҳ алайҳиссалом айтибдурларким, ҳар ким тушида яхши, тоза сунбулани еса, далил бўлғайки ҳалол мол насиб этган ёхуд фарзанди томонидан ёмон хатти-ҳаракатлар содир бўлғай. Агар сунбулани оташда куйдирса, молига нуқсон етгай.



САНГ (ТОШ)

Кирмоний алайҳиссалом айтибдурларким, ҳар ким тушида тошни кўрса, унга моли ҳалол ёки бузруклик ҳосил бўлғай. Агар ул тош мулоим ва оқ бўлса, ундан фойда кўпроқ бўлғай. Агар тошни тоғдин кўчириб олса, ёки биёбонлардан йиғиб олса, унга молдунё бисёр жам бўлғай. Агар тошни бировга отса, ундан унга мол етгай. Агар биров унга тош отса, ундан бунга мол етгай. Баъзилар айтибдурларки, тош отмоқлик хусумат ва тухматдан ишоратдир. Имом Жаъфар Содик Раҳматуллоҳ алайҳиссалом айтибдурларким, тушда тошни кўрса, тўрт нарсаса далолат қилғай:

1. Мол, бузруклик.
2. Қаттиқ меҳнат.
3. Оғир касб.
4. Машаққатлик.

САВГАНД (ҚАСАМ)

Ибн Сийрийн айтибдурларким, ҳар ким тушида қасам ичса, яхши иши кўлга кетгай ёки омонатни топширғай, беҳуда қон тўкилишидан омон бўлғай. Агар ёлғон қасам ичса, худон таолонинг ғазабига учрағай. Тавба қилсин, (йўқса) динига путур етгай.



СЕБ (ОЛМА)

Ибн Сийрийн Раҳматуллоҳ айтибдурларким, ҳар ким тушида кўк олма-

ни кўрса фарзанд, кизилини кўрса, подшолардин манфаат топғай, оқ бўлса, савдогарлардин наф топғай. Аччиқ бўлса, беморлик кўрғай. Агар олмани икки бўлак қилиб кўйса, далил бўлғайки, шеригидан жудо бўлғай. Имом Жаъфар Содик айтибдурларким, олмани тушда кўриш етти нарсаса далолат қилғай:

1. Фарзанд.
2. Манфаат.
3. Беморлик.
4. Қанизақ.
5. Моли ҳалол.
6. Фармон раволлик.
7. Баланд ҳиммат.



САБЗА, САБЗАВОР

Ибн Сийрийн айтибдурларким, ҳар ким тушида сабзозори кўрса, ўзини мулкида унинг номи яхшилик билан машхур бўлғай, унга хайру манфаат кўп етгай. Агар ўз мулкини курук хашак кўрса, бунинг акси бўлғай.

Агар осмондан ўт ёмғирдек ёғса, ўша шаҳардаги подшоҳлар, амалдорлар ўртасида хунрезлик кўп бўлғай.



САДАҚА

Ибн Сийрийн айтибдурларким, ҳар ким тушида садақа берса, агар олим бўлса, унинг илмидан кўп одам баҳраманд бўлғай, агар подшо бўлса, фуқароларга кўп наф етқурғай, агар ҳунарманд бўлса, ундан кўп шогирдлар баҳраманд бўлғай. Унинг ҳар қанди мушкуллари осон бўлиб, ранж-меҳнатдан халос топғай.

САЛАВОТ

Ибн Сийрийн айтибдурларким, ҳар ким тушида жаноби (Расулиллоҳ) пайғамбар саллоллоҳу алайҳиссалом номига салавати шарифани кўп айтса, далил бўлғайки, жамики ҳожатлари раво бўлғай. Икки дунёда бахти бут бўлғай.

Жобир Мағрибий айтибдурларким, бу тарика тушнинг таъбири ҳажга мансубдир.



САНДИК

Ибн Сийрийн айтибдурларким, ҳар ким тушида сандикни кўрса ёки олса, хотин олади. Баъзилар айтибдурларким, сандик қатта ва янги бўлса, иззат-хурмати зиёда бўлғай. Агар сандик йўқолса, хурматига нуқсон етгай.

ТОНГ

Ибн Сийрийн айтибдурларким, ҳар ким тушида субҳи содиқни кўрса, ул одамнинг яшаб турган шаҳрида тинчлик, осойишталик бўлғай. Агар қоронғулик боғганини кўрса, балою фитнага далолат қилғай.

СУХБАТ

Ибн Сийрийн айтибдурларким, ҳар ким тушида яхши уламо ва сулаҳо ва покиза одамлар билан бирга суҳбат қилса, далил бўлғайки, динатли ва аҳли солиҳ бўлғай. Агар фосик ва ёмон одамлар билан бирга юрса, динига нуқсон етган. Шундан маълум бўлдики, яхши ва ёмон одамларнинг суҳбати ўнгида ҳам, тушида ҳам кишига таъсир қилар экан. Аллоҳ таоло саломат сақласин, яхшилардан ажратмасин.



ТАРОЗУ

Ибн Сийрийн айтибдурларким, тушида тарозуни кўрса, киё олса, қози бўлғай ёки қози унга адолат қилғай. Агар зиёда нуқсонли кўрса, қозининг хиёнат қилганига далолат қилғай.

ТАШНАЛИК

Ибн Сийрийн айтибдурларким, тушида ташналик ҳис этиш ранжу меҳнатдан нишондир. Дин ва дунё ваҳидин агар ташна бўлиб сув топса-ю, ичмаса, далил бўлғайки, гуноҳ қилғай. Охири тавба қилиб, гуноҳидин пок бўдғай.

ТОЖ

Ибн Сийрийн айтибдурларким, ҳар ким тушида тожни кўрса, ёки бошига тож кийса, тилла ва қумушдан кадр ва обрў топғай. Агар бу тушни хотин киши кўрса, соҳиб давлат эрга теккай. Агар тожи бошидан тушиб кетса, мусибат етгай.

САРКИН (ТЕЗАК)

Ибн Сийрийн айтибдурларким, ҳар ким тушида отнинг ёки сигирнинг тезагини тўпласа, кўп мол ва неъматга эришгай. Агар одамнинг тезагини ҳам қилса, моли ҳаром жам қилғай.



ТИЛЛА

Ибн Сийрийн айтибдурларким, ҳар ким тушида тиллани кўрса, ўнгида ҳам тиллани кўрғай. Баъзилар айтибдурларким, ғам-андух бўлғай, туш кўрган одамнинг аҳволи хароб бўлғай.

Ҳазрати Дониёл алайҳиссалом айтибдурларким, тилладан бўлган асбобларни кўрса, унинг микдорича мол топғай.



ТУХУМ (УРУҒЛИК)

Ибн Сийрийн айтибдурларким, киши тушида тухум экса ва йиғиб олса, давлат ва бузруклик топғай. Агар ҳосилотидан ўзи олиб еса, зиёда хурсандлик топғай. Агар бугдой экса, кўп яхшилик кўрғай. Ҳазрати Дониёл алайҳиссалом айтибдурларким, ҳар ким заминга тухум экса, хотун олғай ва фарзанд кўрғай.



ТУТ

Ибн Сийрийн айтибдурларким, ҳар ким тушида тут кўрса ёки уни еса, унга Аллоҳ таоло ғойибдан ҳалол мол ато қилғай, агар бевакт бўлса, ғам-андух бўлғай, (бевакт-тут пишмаган пайт).

ТОРИКИЙ (ҚОРОНҒУЛИК)

Агар тушида қоронғуликни кўрса ёки қоронғулик ичида қолса, залолат ва гумроҳликдан ёруғликка чиқса, гуноҳдан тавба қилиб, ибодатга қадам қўйғай. Агар бир хона ёки шаҳарни қоронғу кўрса, ғам-андухда қолғай. Садақа берсин.

ТАВБА

Агар тушида тавба қилса, ҳамма гуноҳларидан пок бўлиб, худонинг ризолигини топғай. Имом Содик Раҳматуллоҳ алайҳиссалом айтибдурларким, ҳар ким тушида тавба қилса, тўрт нарсаса далолат қилғай:

1. Гуноҳлардан пушаймон бўлиш.
2. Худонинг ризолигига эришиш.
3. Охират йўлини англаш.
4. Саодатнинг икки эшигига муяссар бўлиш.

(Давоми бор)

МАВҲУМ ЖАВОБ

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 27-сониде «Умид билан» сарлавҳаси остида Муяссар Музаффарованинг шикоятти босилган эди. Унда Муяссархон икки йилдан бери пенсияга чиқа олмай сарсону саргардон экани, 1952 йилдан 1958 йилгача, сўнгра 1980 йилдан шу кунга қадар Яккабоғ районидаги «Ленинизм» жамоа хўжалиги аъзоси бўлиб ишлаб келаётгани, умумий иш стажии 17 йилни ташкил этиши, пенсия олиши учун бу етарли экани қайд этилган эди.

Шу шикоят юзасидан Яккабоғ район ижтимоий таъминот бўлимидан келган жавобда турли хил рўқачлар билан муаммодан осон қутилишга ҳаракат бордай туюлапти.

Жавобда шундай дейлади:

«Фуқаро Муяссар Музаффарова 1939 йилда туғилган кўп болалик она. Жами иш стажлари 11 йилни ташкил этади.

Амалдаги пенсия қонунига кўра 5 ва ундан ортик бола туғиб, 8 ёшгача тарбияланган оналар 15 йиллик иш стажии билан 50 ёшдан қарилик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Тўлиқ меҳнат стажига эга бўлмаган кўп болали оналарга камида 5 йил меҳнат стажии билан 55 ёшга етганларида тўлиқсиз иш стажии билан қарилик пенсияси тайинланади. Шунинг учун М. Музаффаровага ёши 55 га тўлмаганлиги сабабли пенсия таяинланмаган.

Район ижтимоий таъминоти бўлим мудираси: —
М. СУЛТОНОВА.
Бўлим инспектори: —
Ш. МЕЙЛИЕВА.

ЭЪТИБОРСИЗЛИКни қаранг. Жавобда ҳатто иш стажии ҳам тўғри ёзилмаган — 11 йил дейилган. Муяссархон Музаффарованинг «Қаҳрамон она» унвонига сазовор бўлганлиги умуман эътибордан четда қолган.

Ахир 5 ва ундан ортик бола туғиб 8 ёшгача тарбиялаган оналар 15 йиллик иш стажии билан 50 ёшдан бошлаб қарилик пенсиясига чиқиш ҳуқуқига эгаллигини амалдаги пенсия қонунини тасдиқлаб турибди-ку. Нега энди 17 йиллик иш стажига эга бўлган 52 ёшли «Қаҳрамон она» Муяссархон Музаффаровага нисбатан бу қонун қўлланилмайди?

Биз бу масалага қайта ёндошишни Қашқадарё вилояти ижроия қўмитаси ижтимоий таъминот бошқармаси раҳбарларидан сўраймиз.



ЁШЛИК-ГҲЗАЛЛИК.

Сураткаш Ж. БОБОРАҲМАТОВ.

Бойликнинг қули бўлманг

Ишдан чиқиб зарурият юзасидан бир жойга ўтиб, уйга одатдагидан сал кечроқ бордим. Уй тўла меҳмон, қўшимиз Саломатхон опа ўғилларини уйлантираётгандилар, хотинлар йиғилишиб «тўйлар муборак бўлсин»га чиқишибди-да, қайтишларида бизникига киришибди. Ҳаммалари билан кўришиб, у ёр бу ёрға қараган киши бўлдим, келиб ёнларига қўшилдим.

Бирдан Лайлохон гап очиб қолдилар: — Вой, опа, ёйган молларини кўрдингизми? Мебелларини айтмайсизми, зўр экан-а, ҳозирги вақтда ҳеч ким «жидой» қилмапти, диван, креслоларни айтмайсизми, уйдаги пардаларнинг ҳаммаси ҳозир 3 минг сўмлик-а...

Лайлохоннинг оналари Ҳолида опа: — Биласан-ку мен аҳамият бермайман унақанги нарсаларга, менимча пардаси сенга қилган парданнинг нуҳасидан шекилли, ёмон эмас, яхши...

Ўзи одатда икки-уч хотин бир бўлишса гап гапга уланади, хотинларнинг бири келган саруполарни мактай кетса, яна бири келиннинг отаси магазин директори эканини... Ҳаммадан ҳам Севара опанинг гапи кизик бўлди:

— ЗАГСига долларга юрадиган автобус келди... Лайлохон дарров гап қўшди:

— Ҳа, энди магазин директорининг кизи бўлганидан кейин...

Ойижонимларга бир қараб қўйдим, улар «майли, аҳамият берманг», дегандай имо-ишора қилдилар. Лайлохоннинг гапини эшитиб ўтириб жажлим чиқиб кетди. Чунки Лайлохон мендан тўрт ёш кичкина, турмуш қуриб, йил ўтар-ўтмас ҳали уни, ҳали бунга бахона қилиб уйига қайтиб келиш оdatини чиқарди. Охири бўлмади, буткул қайтиб келгани учунми, билмадим, бу гаплар унга ярашмасди назаримда.

Уйлаб ҳайрон қоламан. Ахир одамнинг киммати бисоти билан эмас, унинг одамлиги, меҳнатқашлиги, яхши хулқи билан белгиланади-ку. Аёлларимизга ҳам ҳайронман... «Долларга юрадиган автобус?» Шунда «Келинлар кўзголини» кинофильмидаги бир эпизод кўз ўнгимда гавдаланди:

— Ҳа, Боқивой мана шунақа! Агар хўрозқандни ҳам чет элники дейишса ётволиб ялашади одамлар...

Улар узок суҳбатлашиб ўтиришди. Лайлохон эса кимнинг келини қанақа, бир-бир элакдан ўтказиб, хуллас ҳаммани ўз оғзига қаратиб ўтирди. Эсимда, бошида келиб юрганда ҳали уйдагиларидан, ҳали қайнонадан, оиласидан шикоят қилгани. Мен у-бу деб ўшанда тинчлантирган бўлдим. Сабрли бўлишга чорладим. Йўқ, кейин яна кўпчиликдан эшитдим у оиласидан нолиётганини. Уша вақтда унга жуда ачингандим, бир оз хафа ҳам бўлдим. Бошидан «бўлмайди» деб, миёсига жойлашиб қолган фикрдан қочиб, оиласидан яхшилик ахтариш ўрнига, камчилик топаверган. Охири на қайин бўйни, на онасининг насиҳатларига қўлоқ солмай қайтиб келди. Унга қараб туриб гоҳида онасига ачиниб кетаман. Бечора она, нимаям қила олади, бу оилада оқибат йўқ. Эҳтимол бир хиллари уни тўғри йўлга солиш ўрнига «олов ёққандир». Ахир у тиниб-тинчиб кетишни ният қилмади, ўзини шунга руҳан тайёрламади.

Ҳатто қувё унинг кетидан келганда, бир талай беандиша гаплар айтиб қайтариб юборган экан. Мана энди оқибат. Оқибат бўлганда ҳам дилга гашлик соладиган оқибат...

Ҳа, ҳаёт мураккаб... Оила учун жиддийлик, бардош, ақлини ўз ўрнида ишлата билиш, босиқлик, теранлик ва асосийси ниятни яхши қилиш керак экан, деб ўйлаб қоламан.

Бизнинг замонамизда молпараст, калтабинлар бўлмаслиги керак. Улар кишининг иззат-нафсига тегадилар. Нахотки икки ёшнинг, қудаларнинг кадр-қиммати қилинадиган мебеллару, латта-путталар билан ўлчанса!

Ҳозирги кунларда тўйларимизда ўғил-қизининг келажagini ўйлашдан кўра ўзининг ҳозирги кунини ўйлайдиган калтабин бозбозчилар, ким ўзарга мусобақа қилувчилар тез-тез учрайди. Мен ҳам келинман, гоҳида ойижонимлар билан тўйларга борган кунларимда ўз кўзим билан кўрдим, назаримда тўй эгалари ўзларининг уддаборонликларини кўрсатиш учунми билмадим, тўй-хашамни дабдабали ўтказишни, шу билан-обру ўрттиришни йўлайдилар. Донги чиққан ашулачиларни чакириб, ҳаммага кўз-кўз қилиб катта пуллар кистирадилар, шу билан гўёки қўлларни очиклигини намойиш қиладилар, лекин вақти келса ўз ака-укаларидан бир мирини ҳам аяйдиганлар шулар. Тўйга меҳмон бўлиб келган оддий меҳнатқаш буларни кўриб ҳаваси келмасмикин? Баъзи «қўли очикларга етаман», деб осилиб қолаётганлар ҳам бор. Ҳар иккала ҳолатда ҳам янги турмуш қураётган ёшлар ўзаро муносабатларига путур етмайди? Агар қудалар ва ёшлар ўртасида тенглик бўлмаса, муносабатлар бузилади-да, албатта. Тенглик эса мол-дунё билан белгиланмаслиги керак деб ўйлайман.

Боринг-ки, турмуш қуриб, камчиликларсиз, «зўр» яшаса ҳам, барибир асосийси оиладаги меҳр-оқибат, ахир меҳр-оқибат бўлмаса мана шу кийимлару зебу зийнатлар ҳеч кимни бахтли қилиб қўймайди, менимча ҳатто ҳар қанча бойлик ҳам кишига татаймайди.

Лекин, ҳозирда ҳам аксарият ёшларимиз, таг-тугли бадавлат саруполарга қараб баҳо бериб турмуш қуришяпти. Ахир ўша «буём»лар уларнинг умрининг охиригача етмайди-ку, олдинга сарупога қараб турмуш қуриб, кейин бир-бирларини буткул тушунмай ажралишиб кетишаётганлар озмунчами?

Бахт — бу пештоқига «Бахт уйи» деб ёзиб қўйилган даргоҳларда эмас, ялтирок буёмлару кийим-кечакларда эмас, бахт сабр-бардошда, ҳар биримизнинг ўз қўлимизда.

Буни асло ёддан чиқармайлик, дўстлар!

НОДИРА.

ТАЛОН ЎРНИГА ПУЛ

ЎЗБЕКИСТОН енгил саноат уюшмасининг «Ўзбектўқимачи» бирлашмасига қарашли Поп нотўқима матолар фабрикаси қасаба уюшмаси қарорига

биноан ишчи-хизматчиларга ҳар кунни тушлик учун берилаётган 2 сўм 50 тийинлик талон бекор қилинди. Корхонада меҳнат қилувчиларга энди та-

лоғ ўрнига ҳар кунни 5 сўмдан нақд пул бериладиган бўлди.

Рустамали
МАМАДАЛИЕВ

БИЗДА ҚАЧОН ЎЗГАРАДИ?

РОССИЯДА кўпгина шаҳарлар, районлар, кўчалар номлари ўзгартирилди. Масалан, мамлакатимиздаги энг катта шаҳар Ленинград асл номи Санкт-Петербург бўлди. Уралдаги Свердловск асл номи Екатеринбургга алмашди. Ҳатто улуг ёзувчи М. Горький номи Волгабўйидаги шаҳарнинг қадимги номи Нижний Новгород тикланди.

Лекин бизнинг Ўзбекистонда ҳали ҳам Ленинград номи билан кўчалар (Тошкент шаҳридаги марказий кўча), колхозу, совхозу, районлар мавжуд. Биз кимдан фармон кутиб ўтирибмиз?

Еки Самарқанд шаҳрида М. Горький номи билан марказий ҳиёбон, марказий истироҳат боғи ва қанча мактаблар бор. Нахотки, ўзимизнинг мусулмон халқининг машҳур фарзандлари орасида номини шу жойларга қўйишга лойиқ кишилар бўлмаса? Еки ҳали ҳам миллатчилик бўлади, деб Москвадан кўрқиб ўтирибмизми? Унда Президентимиз ўрток И. Қаримовнинг мустақиллик тўғрисида айтган гаплари қуруқ сафсата бўлиб қолади-ку.

Бундан ташқари ҳали ҳам бирон жойга хат юбориладиган бўлса республика худудида конверт устига манзил белгисини албатта ўрис тилида ёзилади. Ўзбек ва тожик тилида ёзилган мактубни хатто почта ҳам қабул қилмайди. Бундай ҳолда Ўзбек тилига давлат тили унвони берилишини қандай тушуниш мумкин?

Абдумурод НАЗАР ЎҒЛИ
Фориш район.


БИР КўЧАДА ИККИ ХИЛ АҲВОЛ

ТОШКЕНТ вилояти Калинин районидаги «Иваново» жамоа хўжалигининг Абай кўчасида яшаймиз. Кўчамиз ёзда чанг, қишда лойдан аримайди. Шу йилнинг июнь ойида хўжалик директори кўчани асфальтлаштиришни уюштирди. Лекин биз яшайдиган 5—6 хўжалик жойни (чамаси 300 м келади) ташлаб кетишди. Кўчанинг ярми асфальтланиб, ярми эса ўнқир-чўнқир, чанг бўлиб ётибди. «Бу нима гап ўзи?» — деб сўрасак, «У ёқда яшайдиганлар совхозда ишламайди», — деб жавоб қилишди. Водопровод қувури ўтказишда ҳам худди шундай қилишган эди. Ҳозир совхозда ҳеч ким меҳнат қилмаса, ундан олдин меҳнат қилишган, уруш ва меҳнат ветеранлари яшайди-ку бу кўчада. Вақтида меҳнатни қилиб, қариганимизда керак бўлмай қолибмиз-да. Кўрт боқиб пайтида йўқ демасдан боқиб берсак.

Ичадиган сувимизни кишин-ёзин 1 километр жойдан челақлаб ташиб ичамиз. Борча ёки магазин масаласида гапирмасак ҳам бўлади. Қанчадан қанча ёш оналар боғча йўқлиги туфайли ишларини йиғиштириб, уйда ўтиришга мажбур.

Халқимиз юввош деб, индамай юрганимизга шунчалик қилишадими?

Жавоб кутиб:
Қуролов Турдикул — Улуғ Ватан уруши ногирони.
Абдувалиева Қуралай — Қаҳрамон она.
Худойберганов Исломберди — Меҳнат фахрийси.



КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚУМИТАЛАРИНИНГ РАИСЛАРИ,

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ,

ЯККА ШАХСЛАР

ДИҚҚАТИГА

КУМУШКОН

«Кумушкон» (Тошкент шаҳридаги 60 км узоқликда) сайёҳлик маскани шу йил февраль-март ойларида 10 кунлик соғломлаштириш хордиғини ўтказишга таклиф қилади.

Саёҳат дастуридан ташқари зиёратчилар шифобахш гиёҳлар ва сувлар билан даволанадилар. Сув билан даволовчи «Иссиқ-Булок»да (Кумушкон сайёҳлик масканидан 5 км. узоқликда) даволовчи ванналар қабул қилиш асаб системаси, хазм қилиш аъзолари, таянч-ҳаракат системаси, тери касалликларини даволашда ўзининг самарали таъсирини кўрсатмоқда.

Сайёҳлик масканида стоматолог ва терапевт ишлаб турибди.

Йўлланма баҳоси 3 кунга — 63 сўм,
5 кунга — 104 сўм,
10 кунга — 207 сўм.

Манзилгоҳимиз:

Тошкент вилояти, Паркент райони, Кумушкон қишлоғи, «Кумушкон» сайёҳлик маскани, телефон: 22-48-3.

Транспорт «Ташсельмаш» метроси бекатидан «Тошкент-Паркент-Кумушкон» қатнов автобуси.



Ўзбекистон сайёҳатлар ва экскурсиялар республика кенгаши.

МАДИРДА нафакат республикамизда, балки чет элларда ҳам машҳур уста-кулол Раҳимберди Матжонов яшашини кўндан билардимиз лекин отахон билан бирон марта ҳам юзма-юз учрашмагандим. 80 йиллик тўйлари баҳона бўлиб хузурларига бордим.

Айтишларича Мадир аввал Модар (Она қишлоқ) номи билан юритилган. Кейинчалик уни бузиб Мадир деб айтишга ўрганиб қолишган.

Ўша ерликлар Мадир тупроғидан лой қилиб аста-секин ота-боболарининг ишларини давом эттиришга, тандир, кўза, бодия ва шунга ўхшаш рўзғорга керакли буюмларни ясашга киришишган. Шу-шулар ясаган буюмлар дову-

дастгоҳда ўтириб буюмларини хоҳлаганимча кичрайтириб ёки кенгайтиришим, хоҳлаганимча пардоз беришим мумкин. Ана шунақа, болам.

Отанинг сўзида эҳтимол, жон бор. Қадимги дастгоҳда буюмлар ихчам, устанинг дидидагидек бўлиб чиқади. Мадирнинг тупроғи шунча буюмлар ясавадиги тугаб қолмайдими, дейман ҳамроҳимга юзланиб. У қулиб жавоб беради:

— Мадирда тупрок кўп. Тупрокка қаранг, жуда ноёб тупрок. Бизнинг тупрок чет элларга кетмоқда. Хали тандирчиларимизнинг ёнига борсангиз, у ердан ҳам Мадирнинг ноёб тупроғидан фойдаланишаётганини кўрасиз.

Устанинг ажиб такрорланмас санъати бўлмиш буюмларга усталлик билан шарқона нафис нақшлар туширилганини кўриб хайратланмасдан иложингиз йўқ. Шунданми, унинг бу санъатига қойил қолиб ҳатто чет элликлар ҳам тасаннолар айтишган. Мана энди ана шундай ҳурматга ўзим ҳам эришдим. Эҳ-хе, қизим, сўзлайверсам сира сўзим адо бўлмайди. Отам элда шундай эъозда юрганимни кўрганида эди, қандай севинарди...

Биз уста кулол Раҳимберди отанинг буюмлари нега бунчалик чет элгача машҳур бўлиб, севиб харид қилинишини ота ясаган буюмлардан изладик. Отанинг моҳирлик

МАДИР ТУПРОҒИНИНГ ЗУВАЛАСИ

ғи узоқ-узоқларга тарқалиб харидор кўпаяверган. Она қишлоқ ўз тупроғи билан аҳолини боқа бошлаган.

Йиллар ўтиб хунармандлар масканига айланган она қишлоқда уста кулолчилар сулоласи кўпаяверган. Матжон бува, Эшим бува ва ниҳоят Раҳимберди ота. Улар ўз даврида Хивага Ислом хўжа, Қалта минор, Тош ховли шиоотлари учун сирланган гулдор сополлар етказиб беришган. Ҳозир Ичан-қалъага борсангиз, албатта, уларнинг санъат намуналарига кўлингиз тушади. Мадир XIX асрнинг бошлариданок Хоразм кулолчилиқ санъатининг йирик маркази бўлган. Ўрта Осиёда Хоразмдагидек сифатли, бадий ва эстетик жиҳатдан мукаммал архитектура қатламлари бўлмаган.

Мозийга етакловчи ҳаёллар оғушида отахоннинг икки хонали кулбасига кириб келдик. Тасаввуримиздагидек ҳам нуруний, лекин тетик, кўзларидан ҳаётдан мамнунлик акс этиб турувчи, қувнок отахон билан қуюқ саломлашдик. Отахон теварагида суратқашлар парвона бўлиб унинг суратини олишмоқда. Кулолнинг тор кулбасида ясаган бодия, кўзалар кўпчилиги туфайли юрарга жой йўқ. Яхши замонада яшаётган эрсакда, отанинг кулбаси бизни яна мозийга етаклаб кетаётгандек туюларди. Кўчадан киришингиз биланок, биринчи хонада кўзингиз гумбазга тушади. Иккинчи хонада эса кулолларнинг энг қадимги дастгоҳи диққатингизни ўзига жалб қилади. Отахондан бу дастгоҳ ўрнига замонавийроқ дастгоҳ ўрнатсангиз бўлмайди, деб сўраганимизда у ноҳуш бир кифода бош чайкади.

— Болам, 13—15 ёшимдан бошлаб, қарийб 70 йилдирки, ота-бобомиздан қолган шу дастгоҳда ишлаб келмоқдаман. Бу дастгоҳнинг сир шундаки, унда лойни чўзиб, ҳақиқий кулолчилик санъатини намойиш этади уста. Эндиликда бу санъат йўқолиб кетмоқда. Бунинг сабаби дастгоҳга эътиборнинг йўқлигидандир. Мен мана шу

Бизнинг тупрок еяр онимиз, ичар ошимиз учун фойдаланилмоқда.

Қадимда йигитлар беҳудага Мадир учун жон бериб, жон олишмаган экан-да... Ҳаётнинг шундай бир қонуни борки, инсоннинг ҳаёлотини ички хис-туйғуси қачонлардир ҳақиқатга айланиб у инсонюраги сезган хиссиётни юзга чиқаради. Мард йигитлар башорати бугунги кунда элнинг энг эъозли нарсасига айланди. Мадир тупроғига мард, ҳалол йигитларнинг қони тўқилгани сабабли ҳосиятли ишлар содир бўлмаётганмикин?

Ҳаёлимдаги бу сўроққа Раҳимберди отанинг нуруний, ёқимли мулоим жовдирраган кўзлари жавоб бергандек бўлди.

— Қизим, мана бу нақшларга қараб бокчи,— дейди ота.

Унинг ёқимли, мағрур овози ҳаёлотимни ҳаёт томон етаклайди.

— Ҳа, ҳа отахон, бундай ишни сиздек истеъдодли, Мадирга муҳаббати улуг инсонларгина бажариши мумкин. Дарвоқе, сиз Рассомлар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими ҳамсиз-а?!

— Ҳа, тўғри. Мени бир дақиқа тингла, шундай қунларга етганимга шукроналар айтиб, севиганимнинг боисини шунда билиб олардинг-да, қизим.

— Отахон, сизнинг сўзларингизни жон қулоғим билан эшитишга тайёрман.

— Отам Матжонбой 12—13 ёшларимдаёқ менга кулолчилик сирларининг ярмини ҳам ўргатолмасдан бевақт оламдан ўтиб кетди. Мен отанинг номини ўчирмаслик, қолаверса боболаримнинг ҳам санъати ном-нишонсиз йўқолиб кетмаслиги учун Эшим бобога шогирдликка тушдим. Устам жуда ҳам саховатли ҳам саҳий эди. У менга бир пайтлар ўзи Хивадаги машҳур Исломхўжа минорасини, Мадаминхон мадрасасини, Тошховли саройининг нақшкор қишлоқлар билан безалишини қунт билан ўргат-

билан чизган нақш ва гуллари бир-бирини такрорламаслиги билан кишини ўзига маҳлиё этади. Энг асосийси XIX—XX аср қошиқорлиги анъаналари сақланиб қолган.

Ота билан суҳбатни давом эттирар эканмиз, унинг шогирдлари ўғли Одилбек, куёви Аминбой бодияларни санаб, уларни олиб кетишга келадиган харидорлар учун тайёрлай бошладилар.

— Ота, бошқа шогирдларингиз ҳам борми?— дея савол бераман.

— Бор, қизим, бор. Янги-арикда Аваз Ўтар номли қолхозда Султонбой Отажонов, қизим Марямжон, ўғилларим Матжон, Одилбек, куёвим Аминбой... Булар дарёдан томчи, холос.

— Демак, Мадир тупроғи яна кўп йиллар ишончли қўлларда сайқал топаверар эканда.

Шунчалик сеҳру жилолар қудратига ақли етган отахон истиқомат қилаётган кулба бирдан ширин ҳаёлларимни тўзгитиб юборди:

— Отахон, бу эски қошонангизнинг бутунлай яроқсиз ҳолатга келганлиги сизни безовта қилмайдими? Мана бу деразангизнинг, эшикларингизнинг яроқсизлиги сизга аёнми? Бундан Мадирнинг раҳбарлари хабардорми?

— Э, болам, қўявер, хабарлари бор. Охири бир қун келиб тузатиб беришар. Ўшанда қўшимча хонали ҳам бўларман.

— Бир томондан сизни ўйласам, иккинчи томондан Мадирнинг обрўсини ҳам ўйлабман-да. Мана неча йилдирки ёнингизга турли мамлакат ва вилоятлардан хунарингизга қизқиб одамлар келишяпти. Сиз яшаётган кулбанинг шу ҳолатда туриши яхши эмас-да. Ичиде шунча сеҳру бойлиқни сақлаган масканинг бундай ҳолатда бўлиши ҳечам ақлга енгмайди.

— Ҳечқиси йўқ, шунга қўниқиб қолганмиз. Энг асосийси, санъатимиз дурдоналарини эл эъозлаштириш-ку, Шарқия ЭШЖОНВА, Хонка райони.



ТОРТИНГ

КУТИСИ



Уйланмокчи бўлган қизимнинг исмини эшитиб онамнинг капалаги учиб кетди.
 — Хаёлингга ҳам келтирма, болам. Онаси катта оғиз...
 — Онасига эмас, кизига уйланмокчиман.
 — Вой, кизнинг изми онасида. Ким сенга бериб қўярди.
 — «Хўрозқанд олиб беринг», деб йиғлаётганим йўқ. Оила қуришга тенг ҳуқуқли йўлдош топдим.
 Опам келиб қолди-ю онам дилларидагини тўкиб солдилар. Хайронлик микроби опамга ҳам юкди.
 — Вой, миллион сўм пулинг бордек кеккаясан-а.
 — Ха, ошкоралик даври. Миллион сўмлик муҳаббатим бор.
 Опамнинг энсаси котди:
 — Вой, савил, муҳаббат деганларингга жарак-жарак пул керак.
 — Хо, эсингиздан чикдими, шунга тегмасам «ўзимни ўлдирман», деб кўр-китганингиз?!



— Овозингни ўчир!
 — Ҳозир ошкоралик даври, хохлаганимча, истаган вақтимда уйланман.
 — Мирқурук, ошкоралик дегани хохлаган жойга қўлингни чўзсанг етказадиган нарса — пул, — дедилар оғим қўлларини паҳса қилиб. — Йиғиб қўягинг борми ўзи?
 — Ошкоралик — демократиянинг нималигини сиз қаердан биласиз. Соясини ҳам кўрмагансиз-ку?
 Шу топда тоғам келиб қолдилар. Тоғам-каттақонлар. Уч йил илгари машиналарини кўрган одамлар, агар пахта терими даври бўлса ўзини янтоқзордаги илон инига уради. Обруларни одамларни дазмоллаб, латта қилиб ташларди.
 Оғим ва опамнинг сўзларини эшитиб тоғам ёнимни олдилар:
 — Жиян ҳақ. Қайта қуриш, кейин демократия ҳақида кўрсатма бор. Унга амал қилиш керак.
 — Вой, ака, ўйлаб гапираяпсизми? «Уйнинг гапи кўчага тўғри келмайди», деган машойихлар.
 — Келади, синглим, келади. Бугун жиянни уйлантириш учун маслахатлашгани қурултой чакрамиз. Ошкоралик ҳамда демократия асосида уйлантирамиз, жиянни.
 Оила аъзолари — қулоқлари оғир, ярим қарахт бўлиб юрадиган бобом, қамчидек бувим, опам ва онам йиғилишди.
 — Мажлис очик. Қун тартибида битта масала бор, — дедилар тоғам.
 — Мен уч кишидан иборат хайъат сайлашни таклиф қиламан, — деди опам.
 — Бўлмайди, раис ҳам, хайъат ҳам ўзим бўламан. Хўш, келинликка номзодлар кўрсатилсин.
 Опам дафтарни очиб, ўқий бошлади:
 — Очилова Мухтарама. Еши 18 да. Мактабни ўрта баҳога битирган. Жамоат ишларида фаол...
 — Йўқ, семириб кетган, консерва кутимизга сиғмайди, — дедилар оғим.
 — Нима, келинларни тузлайсизми? — оғимга қаради тоғам.
 — Бизни «Запорожец» га сиғмайди демократлар, — тушунтирди опам.
 — Ўчир, сенинг гўшт — ёғингни еб семирмаган.
 — Макрон паловдан... — дедим мен.
 — Жим, ойнаси бўлмайди. Зикна, бешлик тўйига бир тоғора ичи тўла гўшти чучвара қилиб борсам... Тоғорамга олтига котган нон солбоди.



— Иккинчи номзодни ўқичи, — чўрт кесдилар тоғам.
 — Халимова Гулсара, сут дўконда сотувчи, ерга қараб юрадиган киз...
 — Елғон, ўртоғим Илҳом билан апок-чапок, шеър ёзишади, — дедим минғирлаб.
 — Вой, балога йўликсин. «Паканалар фитнес бўлади», деганлари тўғри экан, — дедилар оғим.
 — Окила Саломова, фаол жамоатчи, мактабни ўрта баҳога битирган. Пахта теримида мукофот олган.
 — Бўлмайди. Лаби юпка — жиртаки, пешонаси тор, — дедилар оғим носвойларини туғлаб. — Ака, қариндошдан киз оламиз. Боримизни ошириб, йўғимизни яширади. Бегонадан киз олмаймиз.
 — Демократияни бузаяпсиз оғи, халқ номидан қарор чиқарманг, — дедим бу гапга чидаммай.
 — Демократия, ҳамён дегани, болам, — сал юмшадилар оғим.
 — Хурфикрлик яхши, салбий, ҳатто

карама-қарши фикрлар бўлиши ҳам мумкин, — баҳса яқун ясагандек бўдилар тоғам.
 — Ўзи нима бўлаяпти? — сўрадилар бобом.
 — Жим ўтиринг, биров сиздан гап сўрамагандан кейин, — бобиллаб бердилар бувим.
 — Нега Машкура Холиқованинг номзоди йўқ? — сўрадим мен.
 — Номзод камида иккита овозга эга бўлиш керак, — дедилар тоғам, — хўш, яна ким бор?
 — Азиза Қамбарова...
 — Қариндошдан уйланмайман, чинок болалар туғилиб, наслимиз бузилади, — дедим мен.
 — Вой-бў, аввал уйланиб ол, тўлатўкие бола ҳақида ўйлашга ҳали ўзинг боласан.
 — Овозга қўямиз, — қўл кўтардилар, тоғам.
 Ҳамма қўл кўтарди, фақат бобом хайрон.
 — Қўлингизни кўтаринг, — дедилар бувим.
 — Нимага?
 — Вой, галчамисиз? Ҳамма қўл кўтараяпти, сиз ҳам қўл кўтаринг.
 — Қайси қўлимни, чапиними ё ўнгиними? — сўрадилар бобом ҳазиллашган бўлиб.
 — Бир овоздан қабул... йўқ, битта қўёв, аммо демократия қонуларига биноан номзод қабул қилинди, — дедилар тоғам.
 — Қаршиман, уйланмайман, — дедим йиғламсираб.
 — Нега, ошкоралик, демократия сакланди. Бўйин эгишга мажбурсан, жиян.
 — Демократия эмас, муҳаббат керак, — бўш келмадим мен.
 Қўчада машинанинг овози эшитилди. Тоғам мени масхара қилгандек, галати илжайиб қўчага чиқиб кетдилар. Бир оздан кейин ранглари бир ҳол бўлиб, қайтиб келдилар.
 — Бугунги мажлисимиз демократия асосида ўтмапти. Жиян айтган номзодни ҳам овозга қўйишим керак.
 Оғим билан опам хайрон. Тоғам уларнинг қўлогига нималарнидир шивирладилар. Улар ўзгариб, дарров қўл кўтаришди, бувим билан бобом эса сўзсиз қўшилишди.
 Тоғам мени табриклаб, елкамга қоккиб қўйдилар. Кейин билсам Машқуранинг отаси тоғам салом берадиган мансабга тайинланган экан.

Ақбар ЮНУСОВ.

МУСАВВИР

ТАБАССУМИ



Сўзсиз суратлар

Хусан СОДИКОВ
чизган расмлар.

Хандақлар

Ишга янги қабул қилинаётган кишига бошлиқ ётқи билан тушунтирди:
 — Эсингизда бўлсин, сизга қанақа ишни буюрсам уни дарҳол бажаришга ҳаракат қилишингиз шарт. Уқлингизми?
 — Ха, уқдим, — дея жавоб қилди ишга қабул қилинаётган киши сал бўшашиб-рок.



— Масалан, сизга, ўзингизни дарёга ташланг, деб буйруқ-бергудек бўлсам, сиз сира иккиланмай буйруқни бажаришингиз керак.
 — Тушундим. Ундай бўлса мен кетдим, хайр.
 — Ие, шошманг, қаёкка кетяпсиз?!
 — Қаёкка бўларди, дарёга-да. Сизнинг буйруқингизни бажариш учун аввал сузишни ўрганиб келишим керак-ку!

* * *




Никох тўйи арафасида йиғит севган ёрига деди:
 — Ниҳоят орзуларимиз ҳам ушаладиган фурсат келди, жонгинам. Сиз билан мен дунёдаги энг бахтли инсонлар бўлсак керак. Сиз менинг бахту икболим, фахру гурурим, давлату бойлигимсиз. Мен учун ҳамма нарсадан аълороқсиз, ҳамма нарсадан азиз ва қадрлисиз!
 — Вой, нега бугун жуда ширинсўз, ҳушмуомала, ўта меҳрибон бўлиб қолдингиз? Яна тўй ҳаражатига пул тополмай, янги «Жигули» нгизни сотворган бўлманг?!

Турсунбой МАҲМУДОВ

ИЛИНДИ

Нор тажанининг кимлиги раҳбар бўлгач билинди. Чин одамни излама, тош хайкал деб бил, энди. У инсоф, оқибатни оёқ ости қилганда, Хузурига буклиб, қуллук қилиб келинди. Кимлардир ўз ҳақини талаб қилиш ўрнига, Соясига кўрпача тўшаб қўйдилар, энди. Нор шундай шилиндики, кўзларини ёғ босди, Дўстлар қалби шу ҳолдан тилим-тилим тилинди. У мансабни бойлиқнинг манбан деб билди-да, Яхши-ёмон, теппа-тенг қундуз қуни шилинди. Босар-тусарни билмас, бурнидан нарин кўрмас, Мўртлиги билинди-да, пайраҳадай чил сийди. Қўлини ювиб қўлтиқка уриб қўйди бу ҳолдан — Хафсаласи пир бўлган яқин-йироқ эл, энди. Сўнг тагидан қурсини олиб қўйдилар шартга, Нор минг тубан йиқилиб, чўнг қармоққа илинди.

ТЎЛҚИН



Бош муҳаррир
Тўлкин ҚОЗОҚБОЕВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Анвар АҚБАРОВ, Акмал АҚРОМОВ (масъул котиб), Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ, Жасур НОСИРОВ (бош муҳаррир муовини), Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Мухайё ТУЛАГАНОВА, Шабот ХЎЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ (бош муҳаррир муовини), Турсун ҚУШАЕВ, Дилбар ҒУЛОМОВА.

● Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36

● Бош муҳаррир муовинлари — 56-52-89

● Котибият — 56-52-78



БЎЛИМЛАР:

● Касаба уюшмаси ва иқтисодий ҳаёт — 56-82-79

● Социал адолат ва қонунчилик — 56-87-63

● Маданият, маънавият ва табиат — 56-82—79

● Хатлар ва оммавий ишлар — 56-87-78

● Безатиш ва суратқашлик — 56-85-79

● Тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик — 56-87-73

● Ишлаб чиқариш ва хўжалик ишлари — 56-57-59

● Мухарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Якка тартибда йиллик обуна нархи 26 сўм индекси — 64560

Корхона ва муассасалар учун обуна нархи 36 сўм 40 тийин, обунаси индекси — 64561.

Сотувдаги нархи 80 тийин

● ДУШАНБА кунлари чиқадди.

● Босиш учун 1992 йил 10 январда топширилди.

● Навбатчи масъуллар: Жасур Носиров, Шавкат Кулибоев

● ҚЎНИМГОҲИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

Буюртма № 40

● 133.516 нусхада босилди.
● Ўзбекистон Республикаси «Шарк» нашриёти-матбаачилик концернининг босмаҳонаси, Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12



Кексаликнинг гашти ёшликнинг шаштини ато этаркан, кишига.

Суратқаш Ҳакимжон СОЛИХОВ.

Каратэ, ушу, таэквандо... Шаркий Осиё мамлакатлари заминда туғилиб, ривож топган бу спорт турларига республикамизда ҳам қизиқиш ортиб бормокда. Яқинда Самарқанд шаҳрида «Сўғдиёна полвонлари» номи билан ташкил этилган республика очик мусобакасига ку-

судья, Николай Югай ва бошқатаникли полвонлар бўлган ҳакамлар гуруҳи ҳар бир беллашувни қаттиққўллик ва адолат билан баҳолашга ҳаракат қилди. Икки кун давом этган мазкур мусобака чинакам спорт байрамига айланди. Умумкоманда ҳисобида Бухоро, Тош-

дан мақсад, аввало, физкультура ва спорт ривожига имконият даражасида қўмаклашишдан иборат, — изоҳ беради мусобака хомийси — ижарачи ва тадбиркорлар касаба уюшмалари Самарқанд вилоят қўмитаси раиси Садриддин Собиров. Колаверса, ундан бевосита ман-

Полвонлар тадбиркорларни қўриқлайди

тилганидан анча кўп — 230 нафар спортчи ташриф буюргани ҳам фикримиз далилидир. Унга республикамиз вилоятларидан ташқари қўшни Тожикистон ва Россия Федерациясининг Самара шаҳридан ҳам командалар келишди. Мусобакада йигитлар билан бир қаторда кизлар ҳам куч синашгани диққатга сазовордир.

Курашчилар шаҳардаги «Олимпия резервлари» спорт комплексида икки ёш тоифасида — ўсмирлар (14—16 ёшлилар) ҳамда катталар (17 ва ундан юқори) ўзаро куч синашдилар. Таркибида таэквандони ривожлантириш маркази бош директорининг ўринбосари, халқаро тоифадаги

кент ва Самарқанд вилоятлари полвонлари ғолиб чиқдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, мазкур спорт мусобакаларини ижарачи ва тадбиркорлар касаба уюшмалари Самарқанд вилоят қўмитаси ташкил этди ҳамда маблағ билан таъминлади. Вилоятдаги ижара усулида ишлаётган чинни заводи ғолибларга чинни идишлар сервис, лаганлар, гулдонлар — совринлар тайёрлади. Ижара усулида ишлаётган лифтсозлик заводи «Осиё» кичик қорхонаси ҳам моддий жиҳатдан қўмаклашди.

Айнан таэквандо мусобакасини маблағ билан таъминлаш касаба уюшмаларига нима зарур бўлиб қолди?

— Мусобақани ташкил этиш-

фаатдорлик жиҳатларимиз ҳам бор. Мана, бозор иқтисоди бўсағасида мамлакатда жиноятчилик кескин кўпайди. Ижарачи, ширкатчи ва тадбиркорларимиз қуролланган ўғри ва товламачилардан жабр қўришяпти. Касаба уюшмалари уларни химоя қилиши керак. Иқтидорли таэквандочиларни ўзимизга тегишли қорхоналарга спорт мураббийлигига жалб этмоқчимиз. Тадбиркорлар тўғарақларда мазкур спорт турини ўрганиб, ўзини ўзи химоя қилишади.

Ўйлаб қўришга арзигулик фикр. Ахир, таҳликали замон кун тартибига янги талаб қўймоқда: жон ва мол ширин бўлса ўзингни ўзинг химоя қил.

Маҳмуд ЭРАЛИЕВ

ЭЛЛИК ўРИНЛИ

Баҳмал районига қарашли «Сангзор» давлат хўжалиги марказий кўрғонида 50 ўринли шинам чойхона қуриб битказилди. Хўжалик маъмурияти, касаба уюшмаси қўмитаси қишлоқ кенгаши раҳбарияти билан ҳамкорликда бу ерда кекса отахонларга, уруш ва меҳнат фахрийларига бепоул понушта ташкил этди. Сўнгра янгича урф-одат ва маросимларни, тўй-маъракаларни ихчам ва тартибли ўтказиш

юзасидан давра суҳбати ўтказилди. Тўпланганлар бундан буён тўй ва бошқа маъракаларни кексалар маслаҳати асосида ўтказишга келишиб олдилар.

Хўжалик марказида янги ҳаммом биноси ҳам қуриляпти. Уни фарғоналик қурувчилар тезкорлик билан бунёд этишмоқда. Ҳаммомдаги ишлар ниҳоясига етгач, унда соатига 50 нафар киши ювиниб чиқади.

ОЛМА ҚОҚИ, МОЙ, УН

Езда олма нобудгарчилигининг олдини олиш мақсадида олма қуриши цехи қурилган эди. Мавсум давомида тўрт тоннача олма қоқи тайёрланди. Янги қурилган мой жувозда эса аҳоли ўзларида бўлган кунжут ва зигирдан мой олишмоқда.

Чўбор қишлоғида қурилган сув тегирмонида аҳоли қўлидаги бугдойдан ун қилинапти.

ПЎСТИН ВА РЎМОЛ ЦЕХИ

Давлат хўжалиги ҳудудида пўстин тикиш цехи фаолият кўрсатмоқда. Цехда ҳар ойда 9 та пўстин, 7 та чопон, 5 та гача суфра тайёрланмоқда. 300 бош тивит жунли ангор эчкилардан қирқиб олинган, 220 килограмм жундан эса тивит рўмол ва шарф тайёрланапти.

А. Эргашев,
Баҳмал райони.